Инв. № 2 АВГ 1983 Гос. книжная п

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 190 (18.667). ● Шанба, 1983 йил 20 август ● Баҳоси 3 тийин.

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР! РЕСПУБЛИКАМИЗ ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТИ ҚАРОРИГА АМАЛИЙ ИШ БИЛАН ЖАВОБ БЕРИБ, 1983 ЙИЛ «ОҚ ОЛТИН» МАВСУМИНИ ПУХТА ҚУТИБ ОЛАЙЛИК!

ИПАК ПАХТА УЧУН

● Бу йил навқирон Навоий областидаги ипак пахтанинг ҳаммаси тўла-тўкис жойнинг ўзида қайта ишланади. Қизилтепа пахта заводи реконструкция қилиниб бўлди. Бу ерда янгичка толали пахтани қайта ишлайдиган янги цех ишкил қилинди.

Навоийликлар ипак пахта етиштиришни йил сайин кўпайтирмоқдалар. Бу йил Қизилтепа районидаги пахта майдонларининг ярмида ана шундай пахта етиштирилмоқда. Илгари районнинг бутун пахтаси Бухоро областидаги Ғиждувон районида қайта ишланар эди, эндиликда эса жойнинг ўзида қайта ишланади. Янги цех салкам 50 минг тонна пахтани қабул қилиш учун мўлжалланган.

Шу тариқа аслида реконструкция қилиш жараёнида ихтисослашган янги пахта заводи бунёд этилди. Навоий, Хатирчи пахта заводларининг мутахассислари, шунингдек тармоқдаги бошқа коллективларнинг намояндалари қизилтепаликларга катта ёрдам бердилар. Цехларда янги серунум машина-ускуналар ўрнатилди, ишчиларнинг меҳнат шароитлари яхшиланди.

(ЎзТАГ).

ТЕРИМГА ШАЙЛАНИНГ

Фасллар гўзали — олтин куз эшик қоқмоқда. «Оқ олтин» деб ардоқланувчи пахтани етиштириш ва йиғиб-териб олишга дахлдор ҳар бир кишининг фикри-зикри бугунги кунда зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларни шараф билан бажаришга, ўн биринчи беш йилликнинг учинчи, ўзак йилида камида 6 миллион тонналик хирмон кўтариб, она-Ватанни қувонтиришга қаратилган.

Бу йилги бўлажак йиғим-терим мавсуми ўзгача хусусиятга эга. Унга тайёргарлик КПСС Марказий Комитети 1982 йил май, ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг йўл-йўриқларини амалга ошириш белгиси остида ўтяпти. Олдинга қўйилган вазифаларни бажаришни, ишда юксак суръат ва аъло сифат бўлишини таъминлаш партия комитетлари, совет, комсомол, касаба союз ва хўжалик органларининг диққат марказида турибди.

Шуни алоҳида мамнуният билан таъкидлаш керакки, партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг коллективлари ғўзанинг ўсишдан ва ривожланишдан орқада қолишини туғатиш, зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларни бажариш, йиғиб-териб олинадиган пахтани қайта ишлаш туфайли юксак пировард натижаларга эришиш учун зўр ғайрат билан иш олиб бормоқдалар. Чунончи, майдонларнинг 70 процентига ғоят юксак технология хусусиятларига эга бўлган навлар экилди. Кўпгина хўжаликларда бригада пудрати жорий этилди. Ғўзаларнинг яхши парвариш қилиниши таъминланди. Қатор ораларига ишлов бериш тиғиз графиклар асосида ўтказилмоқда. Ғўза баргини сифатли тўкиришга зўр бериб тайёргарлик кўрилмоқда. Андижон, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Хоразм областларидаги барча пахта заводлари, тайёрлаш пунктлари, қуритиш-тозалаш цехларининг тўла-тўкис капитал ремонтдан чиқарилганлиги таҳсинга лойиқ. Тўққизта янги пахта заводи, 13 та тайёрлов пункти, 19 та қуритиш-тозалаш цехи, 71 та пахта ва тайёр маҳсулот омбори қуриб битказилмоқда. Машинада терилган пахтани янги ГОСТ асосида қабул қилиб олишга ҳозирлик кўриш соҳасида катта ишлар ўтказилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кеча матбуотда эълон қилинган «Республика Пахта тозалаш саноати министрлиги корхоналарининг моддий-техника базасини, колхоз ва совхозларни 1983 йил пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга шай қилиб қўйиш қандай бораётганлиги ҳақида»ги қарорида ҳақли равишда таъкидлаб ўтилгандек, бир қанча районлар, хўжаликлар ва пахта тозалаш саноати корхоналарида ғўза парвариши, янги ҳосилни қабул қилиш, асраш ва қайта ишлашга тайёргарлик кўриш борасида камчиликлар бор. Қашқадарё, Навоий, Сирдарё, Хоразм областларида ғўзани суғориш кечиктириб юборилмоқда ва бу иш паст сифатли қилиб ўтказиляпти. Амударё, Косон, Чирақчи, Қўрғонтепа, Пахтакор, Ильич ва бошқа бир қанча районларда бегона ўтларни туғатиш учун дуруст курашилмаяпти. Баъзи жойларда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига, айниқса, ғўза қуртига қарши кураш бўшаштириб юборилган. Айрим ерларда чеканка пайсалга солинмоқда.

Юқори ҳосил учун курашнинг ҳозирги якунловчи босқичида далаларда иш суръатини бўшаштириб юбораётган, йиғим-терим техникаси ремонтида сусткашлик қилаётган, «Госкомсельхозтехника»нинг, колхоз ва совхозларнинг ремонт-техника устахоналарида ишни кечаю кундуз ташкил қилмаган кишилар катта хатога йўл қўядилар. Бу гап биринчи навбатда Қорақалпоғистон АССР, Сирдарё, Навоий ва Жиззах областларининг партия ташкилотлари ҳамда хўжаликларининг раҳбарларига тегишлидир.

Ҳамма жойда ҳам қишлоқ хўжалик авиацияси учун аэродромлар тайёрлаб қўйилган, хўжаликлар керакли миқдорда дефолиантлар билан таъминланган, дейиш қийин. Пахта тозалаш саноатининг ишлаб чиқариш базасини тайёрлаш, айниқса, янги қуватларни қуриш ва ишга туширишда қолоқликка йўл қўйилмоқда. «Ўзбекхлопкомаш» бирлашмаси асбоб-ускуналарни ўз вақтида етказиб бермаяпти. Эҳтиёт қисмлар юбориш муддатларини мунтазам суратда барбод қиляпти. «Ўзбектекстильмаш» бирлашмаси эса серунум жин машиналари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришни таъминламади. Айни пайтда Пахта тозалаш саноати министрлиги областлардаги механика устахоналарининг қуватидан эҳтиёт қисмлар тайёрлаш учун тўла-тўкис фойдалана билмаяпти.

Бундай камчилик ва нуқсонларни яқин кунлар ичида бартараф этмоқ зарур. Машиналарда камида 4 миллион тонна пахта териш юзасидан зиммага олинган социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилиши учун далаларни сифатли тайёрлашга алоҳида эътибор бермоқ керак. Бухоро области бўйича 13 минг тонна, Қашқадарё области бўйича 78 минг тонна, Навоий области бўйича 9 минг тонна, Наманган области бўйича 3 минг тонна, Сурхондарё области бўйича 142 минг тонна ипак пахтани йиғиб-териб олиш механизаторлар зиммасида турибди. Барча мавжуд машина ва механизмларинг узлуксиз ва юксак унум билан ишлашини таъминлаш — техника хизмати ходимларининг биринчи даражали вазифасидир.

Топириладиган ва тайёрланадиган пахтанинг сифати учун колхозлар, совхозлар ва тайёрлаш пунктлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтириш, ҳар қандай шароитда ҳам хом пахта терилишига йўл қўймаслик, бу соҳада ҳам социалистик мусобақа имкониятларидан фойдаланиш энг муҳим ишлар қаторига киради. Вазифа хўжаликларнинг пахта сифатини яхшилашдаги иқтисодий манфаатдорлигини ошириш борасида партия ва ҳукуматимиз кўзда тутган тадбирлар тўғрисида ва ҳосил теримида, айниқса, пудрат шартлари асосида ишлаётган бригадалар аъзоларини маънавий ва моддий рағбатлантириш чоралари ҳақида кенг кўламда тушунтириш ишларини авж олдириб юборишдан иборат.

Партия, касаба союз ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари ҳосил йиғим-теримида банд бўладиган кишиларга маданий-маиший ва медицина хизмати кўрсатиш, уларнинг ишига ўз вақтида ҳақ тўлаш ҳамда меҳнатини муҳофаза қилиш тўғрисида ҳозирдан ғамхўрлик кўрсатишга даъват этилгандирлар.

Республикамизнинг олтин қўлли «оқ олтин» ижодкорлари шонли анъаналарини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ҳосил йиғим-теримни мавсумида ижодий ташаббускорлик, ўртоқларча ҳамкорлик, 1983 йил план ва социалистик мажбуриятларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашда юксак масъулият ҳамда интизом муҳитини вужудга келтириш — партия ташкилотлари, барча пахтачилик коллективларининг муқаддас бурчидир.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида партия ветеранлари билан КПСС Марказий Комитетида ўтказилган учрашув якунларини маъқуллади. Сиёсий бюро ўртоқ Ю. В. Андроповнинг, КПСС Марказий Комитети секретарларининг партия ветеранлари билан учрашуви муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа бўлди, коммунистик ғояларнинг тантанаси учун курашда партия сафларининг, совет кишилари барча авлодларининг монолит бирлигини, КПССга, улуғ Ленин ишига садоқатни яққол исбот этган далил бўлди, деб ҳисоблайди. Учрашув партия шонли ветеранлар гвардиясини астойдил ҳурмат қилаётганлигини, революцион, жанговар ва меҳнат тажрибасини, партия ҳаётининг ленинча анъаналарини сақлаш ҳамда кўпайтириш тўғрисида, омма билан алоқани мустаҳкамлаш ҳақида доим ғамхўрлик қилаётганлигини кўрсатди.

Учрашув вақтида таъкидлаб ўтилганидек, раҳбарлик услубини ва мамлакатимиз ҳаётининг турли жиҳатларини такомиллаштириш, кадрларга нисбатан талабчаликни ошириш, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришни интенсивлаш юзасидан КПСС Марказий Комитети ишлаб чиққан ва амалга ошираётган тадбирлар барча совет кишиларининг манфаатларига мос бўлиб тушади, экономикани ривожлантиришга ва халқ фаровонлигини оширишга самарали таъсир кўрсатади.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси партия ветеранларининг КПСС ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватлаётганлигига, совет халқининг партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумларининг қарорларини амалга ошириш йўлидаги курашига уларнинг қўшаётган ҳиссасига, меҳнаткашларни, хусусан ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги самарали фаолиятига юксак баҳо берди.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка, область партия комитетларига партия, касаба союз, комсомол ташкилотларида, меҳнат коллективларида ва аҳоли истиқомат қиладиган жойларда учрашув материалларини кенг пропаганда қилиш ва тушунтиришни таъминлаш топширилди. Маҳаллий партия комитетларига партия ва меҳнат ветеранлари билан, турли авлодларнинг вакиллари билан мунтазам равишда учрашувлар ўтказиб туриш тавсия этилди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органларига ветеранлар томонидан қўйиладиган масалаларни синчиклаб ўрганишни ва бу масалалар юзасидан тегишли чоралар кўришни, ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолиятнинг ҳамма соҳаларида ветеранлар ролини ошириш тўғрисида доим ғамхўрлик қилишни, ташкилий-партиявий ва идеология ишида, совет кишиларини Ленин ғояларига, социалистик Ватанга, Коммунистик партия ишига садоқат руҳида тарбиялашда уларнинг бой ҳаётий ва сиёсий тажрибасидан фойдаланишни топширди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг касаба союз делегациясига бош бўлиб СССРга келган машинасозлик ва аэрокосмик саноат ишчилари миллатлараро уюшмасининг президенти (АҚШ) ва Америка меҳнат федерацияси — ишлаб чиқариш касаба союзлари конфедерацияси бирлашмасининг вице-президенти У. Уинписингер билан қилган суҳбатини маъқуллади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида халқ хўжалигида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш тадбирлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. КПСС XXVI съездининг қарорларида мамлакат экономикасини интенсивлашнинг ҳал қилувчи шарти сифатида фан-техника тараққиётини янада жадаллаштириш соҳасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш юзасидан КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг қарори қабул қилинди. Бу қарор лойиҳаси дастлаб бир қатор иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларида, область ва шаҳар партия комитетларида, министрликлар ва идораларда, илмий, илмий-ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш бирлашмалари, лойиҳалаш-конструкторлик ҳамда технология ташкилотларида муҳокама қилинди, қўллаб-қувватланди ва маъқулланди. Коллективларда лойиҳани муҳокама қилиш фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга тез жорий этишда қисқа вақт ичида юксак натижаларга қандай эришиш ва шу асосда халқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини анча оширишни таъминлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш руҳи билан суғорилган эди.

Қабул қилинган қарорда яқин йиллар ичида прогрессив технологик жараёнларни тез жорий этиш асосида Ватанимиз саноатида ўзининг техникавий-иқтисодий кўрсаткичлари жиҳатидан ҳозирги энг яхши нусхалардан қолишмайдиган машиналар, ускуна, приборлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлашга қаратилган бир қатор тадбирлар белгиланди. Бунда корхоналар, илмий муассасалар, тадқиқот ва лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотларининг тажриба-ишлаб чиқариш ва экспериментал базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, бирлашмалар ҳамда заводларнинг планларида янги техникани ишлаб чиқаришга ўз вақтида тайёргарлик кўриш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш қувватлари резервларини тасдиқлаш, замонавий маҳсулотни яратишда истеъмолчиларнинг ролини кучайтириш тадбирларини амалга ошириш кўзда тутилади. Бу қарорда тармоқлараро ихтисослаштириш ва ишлаб чиқаришни кооперациялашни янада кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш, маҳсулотни аттестация қилиш системасини такомиллаштириш, янги, юксак даражада самарали маҳсулотнинг улгуржи нархларига устама белгилаш ва эскириб қолган маҳсулотнинг нархини пасайтириш, ишлаб чиқаришда янги техника, технология ва материалларни бевосита яратиш ва ўзлаштиришда қатнашаётган кишиларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш тадбирлари ўз ифодасини топди.

Юксак даражада унумли ишлайдиган станоклар, машина ва механизмларни, робот-техника комплекслари ва ҳисоблаш техникасини ишга солиш асосида технология жараёнларини кенг кўламда автоматлаштириш — фан-техника тараққиётини жадаллаштириш соҳасидаги ишнинг асосий йўналишларидан биридир. Шу мақсадда лойиҳа ва конструкторлик ишлари муддатларини қисқартириш ҳамда сифатини яхшилашни, қўл меҳнатининг ҳиссасини анча камайтиришни, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг техникавий даражасини оширишни таъминлайдиган автоматлаштирилган ихчам цехлар ва автоматлаштирилган лойиҳалаш системаларини вужудга келтиришни тезлатиш керак.

Қарорда фан ва техника ютуқларини халқ хўжалигига жадал жорий этиш учун бирлашмалар, корхоналар, министрликлар, идоралар коллективлари ва уларнинг раҳбарларининг масъулиятини ошириш юзасидан бир қанча тадбирлар ҳам белгиланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси бошқа бир қанча масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Ю. В. Андропов Америка сенаторларини қабул қилди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андропов СССР парламент группасининг таклифига биноан Совет Иттифоқига келган Америка сенаторлари К. Пелл, Р. Лонг, П. Сэрбейнс, Д. Бамперс, П. Лихи, Ж. Сэссер, Д. Ригл, Г. Меценбаум, Д. Деконсинини 18 август куни Кремлда қабул қилди.

Ю. В. Андропов суҳбат вақтида СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги ҳолатини амалий жиҳатдан олганда барча соҳаларда кескин тус олган бир ҳолат деб таърифлади. Бу муносабатлар Совет томонининг ихтиёри билан шундай тус олгани йўқ. Совет Иттифоқи Қўшма Штатлар билан ҳар икки томонга ўзаро наф келтирадиган ва умумий тинчлик иши учун ғоят фойдали бўлган тарзда нормал, барқарор, яхши муносабатлар ўрнатилишини таъминлайдиган даражада бамаслаҳат бир битимга келишни истайди. Башарти бирор кимса кескинлик вазиятида, «қоидаларга риоя қилинмайдиган ўйин»да СССРга нисбатан устунликни қўлга киритишга умид боғлайдиган бўлса, бу хатарли янглишишдир.

Ю. В. Андропов Европада ядро қуроллари билан қуролланиш тўғрисидаги масалага батафсил тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлади: жуда кўп нарса, шу жумладан, Совет Иттифоқи билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг бундан буён қай томонга бориши ҳам Женева музокараларида бу масала юзасидан ҳар икки томон учун мақбул йўл топилиши ёки топилмаслигига, бу регионда қуролланиш пойгасининг жуда хатарли янги даврасини тўхтатишга муваффақ бўлиш ёки муваффақ бўлмасликка боғлиқдир. Америка «Першинг»лари ва қанотли ракеталарини Европада жойлаштириш жуда оғир оқибатларни келтириб чиқаради. Бу оқибатлар муқаррар равишда Қўшма Штатларнинг ўзига ҳам дахлдор бўлади. Ракеталарни жойлаштиришгача ва жойлаштиришдан кейин мавжуд бўлган вазият ўртасидаги фарқни америкаликлар ҳам сезадилар.

Ю. В. Андропов Женева музокараларида Европада ядро қуроллари билан қуролланишни чеклаш тўғрисида Совет Иттифоқи томонидан киритилган бир қанча конструктив таклифларнинг моҳиятини тўлиқ баён қилиб айтдики, ана шу таклифлар амалга оширилганида Европада ўртача олисликка учириладиган ядро қуроллари воситаларининг умумий сони СССРда ҳам, НАТО томонида ҳам тахминан уч баравар қисқарган бўлур эди. Шу билан бирга НАТО томонининг авиация воситаларигина қисқарган бўлур эди, Совет томонидан эса ракеталар ҳам, шу жумладан замонавий СС-20 ракеталарининг талайгина миқдори қисқарган бўлур эди. Бунинг натижасида Совет Иттифоқи ихтиёрида 1976 йилдагига нисбатан анча камроқ ракета ва уларнинг ядровий қалпоқчалари қолган бўлур эди. Ўша даврда Ғарбда ҳеч ким қурол-яроғларнинг ана шу категорияси жиҳатидан СССРнинг устун эканлиги ҳақида гапирмаган эди.

АҚШ ҳуқуқий жиҳатдан тенг асосда ҳалол келишиб олишга интиладиган бўлса, Европада ядро қуроллари билан қуролланишни чеклаш тўғрисида Женевада олиб борилаётган музокаралар муваффақиятли тўтиши мумкин эканлиги таъкидланди. Биз Совет Иттифоқининг хавфсизлиги манфаатларига зарар етказган ҳолда унинг бир томонлама ён беришига умид боғлашни ҳеч кимга маслаҳат кўрмаймиз.

Стратегик қуролларни чеклаш масалалари муҳокама қилинган пайтда сенаторларга шу гаплар айтилди: Америка маъмурияти қилаётганидек, иккинчи томонни ўз стратегик кучлари структурасини емиришга кўндириш ёки мажбур қилишга, ўзи тамомила эркин ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлгани ҳолда Совет стратегик кучларининг асосий компонентларини қисқартиришга кўндириш ёки мажбур қилишга уриниш бутунлай нореал хуруж бўлур эди. Бу масалани фақат тенг асослардагина ҳал этиш мумкин. Шундай асосни қабул қилмаслик стратегик қуролланиш пойгасини бундан буён ҳам давом эттиришдан ва ядро уруши хавфини оширишдан далолат беради. СССР бунга қаршидир.

Совет Иттифоқи ва АҚШнинг стратегик ядро қуролларини «кўпайтирмаслик» тўғрисида СССР томонидан киритилган таклифга ҳам сенаторларнинг эътибори жалб этилди. Биз, деди Ю. В. Андропов, мавжуд ракеталар сонини кўпайтирмасликнигина эмас, балки стратегик қуролларнинг янги типлари ва турларини тайёрлаш ҳамда синаб кўришдан воз кечишни, шунингдек, мавжуд воситаларни модернизация қилишни ғоят чеклашни таклиф этамиз. СССР ва АҚШ ядро қуролларининг барча компонентларини кўпайтирмаслик учун бундан ҳам кенгроқ вариантга қўшиламиз. Бу — бошқа мамлакатлар учун намуна бўлур эди. Ядро қуролларини кўпайтирмаслик тўғрисида бамаслаҳат келишиб олиш узлуксиз ядро қуролларини қуролланиш пойгасининг хатарли жараёнини барча халқлар орзу қилаётгандек, дарҳол тўхтатиб қўйган бўлур эди, тамомила бошқача сиёсий муҳит вужудга келган бўлур эди. Бундай муҳитда ана шундай қуролларнинг запасларини қисқартириш тўғрисида келишиб олиш осон бўлур эди.

Ю. В. Андропов жуда муҳим масалага — қуролланиш пойгасини космоса ёйиш даҳшатли ва реал хавф туғдиришига алоҳида тўхталиб ўтди. У умуман космоснинг ўзида ҳам, космосдан ерга нисбатан ҳам куч ишлатишни тақиқлаш ҳақида илгари айтиб ўтган фикрларини эса солиб, СССРнинг бу соҳадаги янги йирик ташаббусларини баён қилди.

Совет Иттифоқи, деди Ю. В. Андропов, аввало Ердаги, ҳаво ва космик фазодаги объектларни яксон қилиш учун космосда жойлаштириладиган ҳар қандай қуролни синаб кўриш ва тайёрлашни тамомила тақиқлаш ҳақида келишиб олиш зарур, деб ҳисоблайди.

Сўнгра, СССР йўлдошга қарши қурол тўғрисидаги масалани узил-кесил ҳал этишга — йўлдошларга қарши мавжуд системаларни туғатиш ва янгиларини вужудга келтиришни тақиқлаш тўғрисида келишиб олишга тайёрдир.

Совет Иттифоқи шу хусусдаги батафсил таклифларини БМТ Бош ассамблеясининг бўлажак сессияси муҳокамасига тақдим этади.

Совет раҳбарлари, деди Ю. В. Андропов, бу таклифларга қўшимча равишда жуда муҳим қарор қабул қилдилар: СССР йўлдошларга қарши қуролнинг ҳар қандай турларини космик фазога биринчи бўлиб чиқармаслик, яъни бошқа давлатлар, шу жумладан, АҚШ ҳам йўлдошларга қарши ҳар қандай турдаги қуролни космосга чиқаришдан тийилиб турар эканлар, ана шу давр ичида бундай учиришларни бир томонлама тўхтатиш мажбуриятини олади.

Бундай қарор — Совет Иттифоқининг яхши ниятларини, унинг халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга қатъий аҳд қилганлигини конкрет равишда намойиш қилувчи яна бир далилдир. АҚШнинг ана шу таклифга қўшилишини истардик.

Бошқа халқаро проблемаларни муҳокама қилиш вақтида Совет томони давлатларнинг ички ишларига ташқаридан аралашишга, дўқ-пўписа қилишга ва қуролли куч ишлатишга йўл қўйиш мумкин эмаслигини таъкидлади. Яқин Шарқда, Жанубий-Шарқий Осиёда, Африкада ва бошқа жойларда кескинликнинг мавжуд ўчоқларини, можароларни тинч воситалар орқали ўзаро мақбул қарорга келиш йўли билан туғатиш жуда зарур эканлиги кўрсатилди.

Ю. В. Андропов Марказий Америкада ҳам муаммони сиёсий жиҳатдан ҳал этишни қатъий ёқлаб чиқди, шу регионга доир проблемаларни ўзаро мақбул тарзда ҳал этиш йўлларини қидириб топиш учун ёрдам беришга интилаётган Лотин Америкаси мамлакатларининг хаттиҳаракатларига ижобий баҳо берди. Совет Иттифоқи Никарагуа ва Кубанинг конструктив таклифларини, муаммони ҳал этиш юзасидан улар томонидан илгари сурилган принципларни тамомила қўллаб-қувватлаётганлиги изҳор этилди. Ана шу принциплар бирон томоннинг манфаатлари ёки обрў-эътиборига зарар етказмаган ҳолда келишиб олиш учун яхши асос вужудга келтиради. Марказий Америка халқларининг манфаатлари, халқаро хавфсизлик кенг манфаатлари, деди Ю. В. Андропов, бу райондаги вазиятнинг назоратсиз қолмаслиги учун ҳамма чораларни кўришни қаттиқ талаб этади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари суҳбат давомида Америка сенаторларига иқтисодий ва социал қурилиш планларини амалга ошириш соҳасида совет халқи КПСС раҳбарлигида кенг авж олдириб юборган катта ишлар тўғрисида сўзлаб берди.

Ю. В. Андропов сўзининг охирида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: СССР ташқи сиёсат соҳасида, аввало ядровий уруш хавфини туғатиш йўли билан тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашни, халқларнинг осойишта яшашини таъминлашни ўзининг асосий мақсади деб билади. СССР барча давлатлар билан, шу жумладан АҚШ билан ҳам ўзаро манфаатли самарали ҳамкорликка, ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилишга тайёр эканлигини намойиш қилиб, бундан буён ҳам бу соҳада сабот-матонат ва изчиллик билан иш кўраверади.

Ю. В. Андропов халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва тинчликни мустаҳкамлашнинг муҳим қисми сифатида парламент мулоқотларининг турли формаларини кенг ривожлантириш кераклигини айтди. У Америка сенаторларининг Совет Иттифоқида бўлиши уларга совет кишиларининг турмуш ва фикрлаш тарзини яхшироқ тушуниб, ҳис этиб олишларига ёрдам беришини тилади.

Сенаторлар СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларга доир асосий масалалар ва халқаро проблемалар юзасидан Совет Иттифоқининг позициялари чуқур ва очиқ равшан баён этилганлиги учун ташаккур изҳор қилдилар ва Совет-Америка муносабатларини яхшилаш, ядровий урушнинг келиб чиқиш хавфини туғатадиган йўлларни қидириб топиш кераклигини айтдилар. Улар бир-бирининг позицияларини яхшироқ тушуниш, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш мақсадида турли даражаларда фикрлашиб олиш фойдали эканлигини таъкидладилар. Сенаторлар бир қатор конкрет халқаро проблемалар юзасидан ўз фикрларини баён қилдилар.

Суҳбатда СССР Олий Совети Миллатлар Советининг раиси В. П. Рубен, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари Г. М. Корниенко, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров ва АҚШнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили У. Зиммерман иштирок этдилар.

(ТАСС).

Суҳбат пайти. (ТАСС-ЎзТАГ телефотоси).

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

ДАСТЛАБКИ МУВАФФАҚИЯТ

✦ Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун қурашаётган Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзолари дастлабки муваффақиятни қўлга киритдилар. Давлатга сабзавот, мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш планларини шараф билан бажардилар.

Шаҳарликлар дастурхонига 8690 тонна сабзавот, 430,8 тонна мева етказиб берилди. Айниқса, колхоз картошкакорлари эришган ютуқ қувончлидир. Давлатга 2273,3 тонна картошка сотилиб, йиллик план 133,7 процент бажарилди.

Колхоз аъзолари ички имкониятларини чамалаб, давлатга яна 3500 тонна сабзавот, 1000 тонна картошка, 490 тонна узум, 200 тонна мева ва 100 минг дона лимон етказиб бериш мажбуриятини олишди.

АФҒОН ХАЛҚИНИНГ БАЙРАМИ ШАРАФИГА

Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларида Афғонистон Демократик Республикасининг миллий байрами — мустақилликни тиклаш кунига бағишланган дўстлик йиғилишлари ва кечалари «Афғон ва совет халқлари ўртасидаги дўстлик мустаҳкамлансин ва ривожланаверсин!» деган шиор остида ўтди.

Шонли сана шарафига республика пойтахтида тантанали мажлис ўтказилди. Унда АДРнинг Тошкентдаги бош консуллиги ходимлари, шунингдек Ўзбекистон ўқув юртларида таълим олаётган афғон йигит ва қизлари иштирок этдилар.

Мажлис иштирокчилари янги ҳаёт барпо этишда дўст афғон халқига янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар.

(ЎзТАГ).

ПРОПАГАНДИСТЛАРГА ЁРДАМ

ПАРТИЯ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

ПАРТИЯ МАОРИФИ СИСТЕМАСИДА УҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Меҳнат коллективларида КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг материалларини ўрганиш давом этмоқда. КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорлари, Ю. В. Андроповнинг Пленумда сўзлаган программавий нутқи коммунистларнинг ва барча меҳнаткашларнинг эътиборини ўзига жалб этмоқда

Ю. В. Андроповнинг нутқида, К. У. Черненконинг докладида, Пленумнинг бошқа ҳужжатларида баён этилган идеологик ишни яна да такомиллаштириш вазифалари ва йўлларини коммунистларнинг чуқур билиб олишини таъминлаш мақсадида партия маорифи системасида ўқув йилини «Идеологик иш — бутун партиянинг, ҳар бир коммунистнинг иши» деган мавзудаги машғулот билан бошлаш тавсия этилади. Машғулотнинг қуйидаги намунавий плани таклиф этилади.

Идеологик иш — коммунистик қурилишнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири. КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми ривожланган социализмни такомиллаштириш жараёнида идеологик ишнинг роли ўсиб бораётганлиги тўғрисида.

Партиянинг омма билан алоқасини мустаҳкамлашда идеологик ишнинг аҳамияти. Идеологик иш — халқнинг ижодий ғайрат-шижоатини социал-иқтисодий вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун, беш йиллик планни бажариш, меҳнат ва жамоат интизомини мустаҳкамлаш учун сафарбар қилишнинг қудратли воситаси.

Халқаро вазиятнинг ғоят кескинлашганлиги ва бирбирига тамомила қарамақарши турган икки дунёқарашнинг, икки сиёсий йўл — социализм билан империализмнинг ўзаро кураши. Социализмнинг муваффақиятлари, устунликлари ва афзалликларини, унинг тинчликсеварлик сиёсатини пропаганда қилишга, империализмнинг сохта, қўпорувчилик пропагандаси ва халққа душман сиёсатини фош қилишга, совет кишиларини юксак сиёсий ҳушёрлик ва замонамизнинг актуал проблемаларига синфий ёндашиш руҳида, буржуа идеологияси ва ахлоқига нисбатан муросасизлик руҳида тарбиялашга эътиборни кучайтириш зарурлиги. Социалистик турмуш тарзининг қарор топиши ва ривожланиши.

Идеологик ишни ҳар бир партия ташкилотининг фаолиятида биринчи ўринга қўйиш.

Бошланғич партия ташкилотларининг идеологик ишини такомиллаштириш. Бошланғич партия ташкилотлари — меҳнат коллективининг етакчи кучи ва сиёсий ўзаги. Социал-иқтисодий масалаларни ҳал этишда, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда, меҳнат маданиятини юксалтиришда, уюшқоқликни ва онгли интизомни мустаҳкамлашда уларнинг роли ва масъулиятини ошириш. Ю. В. Андропов экономикани яна да ривожлантириш ва мустаҳкамлашни идеологик жиҳатдан таъминлаш ҳамда идеологик ишни социал жиҳатдан таъминлаш зарурлиги тўғрисида. Идеология ишида расмиятчилик ва бир қолипда иш кўришни бартараф қилишда коммунистларнинг ва барча меҳнаткашларнинг сиёсий онгини шакллантириш учун оммавий ахборот, пропаганда ва маориф воситаларидан комплекс фойдаланишда бошланғич партия ташкилотининг, партия группасининг роли.

Юксак ғоявий-назарий савия, конкретлик, ҳужжумкорлик, ҳаёт билан боғланиш — идеологик, оммавий-сиёсий иш самарадорлигини оширишнинг зарур шарти, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашга доимо эътибор бериш. Кишилар билан ишлашда партия ва меҳнат ветеранларининг бой тажрибасидан тўлароқ фойдаланиш.

Партия ташкилотлари омманинг партия сиёсатини яхши тушунишига, бу сиёсатни халқнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушадиган ўз сиёсати деб билишига эришиш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишлари керак.

Коммунист — партиянинг сиёсий жангчиси. Коммунистик ғоялар учун актив курашчи коммунистнинг шахсий ҳислатларига нисбатан қўйилаётган талабларнинг ортиб бораётганлиги, ўз коллективида меҳнат ва ахлоқий иқлимнинг ҳолати учун коммунист зиммасидаги шахсий жавобгарликнинг ўсиб бораётганлиги.

Марксча-ленинча назарияни чуқур эгаллаш, ўзининг ғоявий-сиёсий савиясини ошириш — коммунистнинг Уставда белгиланган вазифасидир. Мамлакатнинг сиёсий ҳаётида, партия ташкилотларининг ғоявий-назарий ишлари ва амалий малакаларини шакллантириш. Ёш коммунистларни ғоявий чиниқтириш.

Коммунистнинг, хусусан раҳбар коммунистнинг ахлоқий намуна кўрсатиш кучи. Коммунистнинг ишга муносабати, унинг ҳаётдаги феъл-атвори кишиларнинг қарашлари ва кайфиятларига кўрсатадиган таъсири. Коммунистлар сиёсий онглилик, меҳнат активлиги намуналарини кўрсатишлари лозим.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорларини бажариш, меҳнаткашлар ўртасида партиянинг ғоялари ва сиёсатини тинимсиз тушунтириш, уларни турмушга татбиқ этиш учун кураш — ҳар бир коммунистнинг кундалик ишидир.

* * *

Партия комитетлари, сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари машғулотларни ғоявий жиҳатдан юксак савияда, партия ташкилотларининг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги фаолияти билан маҳкам боғлаб ўтказишда пропагандистларга зарур ёрдам беришлари керак. Мавзуни ўрганиш коммунистларнинг июнь Пленуми томонидан қўйилган вазифаларни чуқурроқ англаб олишларига, бу вазифаларни амалга ошириш учун шахсан қўшадиган ҳиссасини билиб олишларига, ҳар бир партия ташкилотида кишиларнинг сиёсий онги ва меҳнат ғайратини ошириш соҳасида қандай ишларни бажариш зарурлигини тўла-тўкис тушунишларига кўмаклашуви лозим.

АДАБИЁТ

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил 14-15 июндаги Пленуми материаллари. — Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1983.

Меҳнат коллективлари ва уларнинг корхоналар, муассасалар, ташкилотларни бошқаришдаги ролини ошириш тўғрисида. СССР Қонуни. — «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1983 йил 19 июнь.

Социалистик интизомни мустаҳкамлаш соҳасидаги ишни кучайтириш тўғрисида. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг қарори. — «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1983 йил 7 август.

Ю. В. Андропов. Карл Маркс таълимоти ва СССРда социалистик қурилишнинг баъзи масалалари. — «Ўзбекистон коммунисти» журнали, 1983 йил, 3-сон, 5-17 бетлар.

Ю. В. Андропов. КПСС Марказий Комитетида партия ветеранлари билан учрашув вақтида сўзланган нутқ. — «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1983 йил 16 август.

К. У. Черненко. Коммунистлар партиясининг авангардлик роли. Бу ролни ўстиришнинг муҳим шарти. — «Коммунист» журнали, 1982 йил, 6-сон, 25-43-бетлар.

М. В. Зимянин. Революцион ҳаракат партияси. — М., Сиёсий адабиёт нашриёти, 1983.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қишлоқ хўжалигида кўп йил, самарали ишлаганлиги ва гўзани культивация қилишнинг янги илғор усулини ишлаб чиқаришга жорий этишдаги катта хизматлари учун Қорақалпоғистон АССР Қораўзак районидаги «Москва» совхозининг бош инженери ўртоқ Генжебой **Неъматуллаевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика прокуратура ва суд органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш ишидаги хизматлари учун Марғилон шаҳар халқ судининг раиси ўртоқ Мўминжон **Фозиловга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган юрист»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада капитал қурилишни ривожлантиришдаги хизматлари учун «Узглавстройдревпром» бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Пўлат **Маҳсумовни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

АКС САДО

ёки Фарғона область саноатида резервлардан тўла фойдаланилмаётгани хусусида

Партия социалистик хўжалик системасининг афзалликларидан, жуда катта иқтисодий имконият ҳамда резервлардан омилкорлик билан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, уни самарадорлик ва пировард натижаларни кўпайтириб бориш йўлига тезроқ ўтказиш вазифасини қўймоқда. Бугунги талаб ана шундай. Партия бизни шунга даъват этяпти.

Қўқон пойабзал фабрикасининг бичиқчиси, ёш коммунист Муҳаббат Соҳибова партиямизнинг бу йўлини тўла қувватлаб, уни амалий ишлар билан рўёбга чиқариш учун куч-имкониятларини сафарбар этаётганлигини мана бундай таъкидлади:

— Ўн биринчи беш йиллик шахсий планимни корхонамиз коллективида биринчи бўлиб бажаришга эришдим, — дейди моҳир ишчи. — Икки ярим йил мобайнида болалар пойабзалларидан 215 мингтасига юқори сифатли деталь тайёрлаб бердим. Тежалган чармнинг ўзи 58 минг квадрат дециметрдан кўпроқ. Бу хом ашё пулга чақиб ҳисобланадиган бўлса у 4500 сўмликни ташкил этади.

Қўқонда, Марғилон ва Қувасой шаҳарларида, умуман, Фарғона область саноат корхоналарида ўз ишининг билимдони бўлган бундай ишчилар сафи кенгайиб боряпти. Область индустриясининг марду майдонлари — Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, КПСС XXVI съездининг делегати Ш. Мирзабобоева, У. Ғиёсов, С. Жирнов ўртоқларнинг фидокорлигига ким тан бермайди, дейсиз. Уларнинг минглаб сафдошлари область саноатининг тараққиётига ўз баракали меҳнатлари билан шахсий мадад кўрсатиб, меҳнат унумдорлигини ошириш, буюм ва маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш, таннархини арзонлаштириш, илғор усулларни кенг қўллаб, маҳсулот тайёрлашга кетадиган сарф-ҳаражатларни камайтириш учун авж олиб кетган бунёдкорлик ишларида ибрат кўрсатмоқдалар.

Уларнинг намунаси область саноати олдида турган улкан ва мураккаб вазифаларнинг муваффақиятли адо этилишида бир мактаб бўлиб хизмат қиляпти. Ўн биринчи беш йилликда икки беш йиллик ҳажмида иш бажариш, маҳсулотларнинг техникавий даражасини ошириш, ҳар сменада планга қўшимча маҳсулот тайёрлаш, қолоқларга ўзаро ёрдам кўрсатиб, уларни ҳам пешқадамларга тенглаштириш ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Партия ташкилотлари меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг бригада усулини жорий қилишни кенгайтиришда ташаббускор бўлмоқдалар. Бу усул самарадорлигини ошириш юзасидан областда жамоатчилик кўриги эълон қилинганлиги фикримизнинг далилидир. Ип йигирув-пайпоқ тўқув комбинатида юзага келиб, область саноатида қўллаб-қувватланаётган «Бригада мажбуриятларига — иқтисодий ҳисоб-китоб ва инженерлик таъминоти» ватанпарварлик ҳаракати яхши самаралар беряпти. Бундай коллективларда меҳнат унумдорлиги ортиб, кам ишчи кучи билан кўп маҳсулот тайёрланмоқда, меҳнат унумдорлиги 20 процентгача ўсмоқда.

Тўғри, область саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан республикада Тошкент областидан кейин ҳақли равишда иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Йил сайин 2 миллиард 700 миллион сўмлик товар маҳсулот тайёрланмоқда. Шунинг 10 процента давлат Сифат белгиси билан чиқарилмоқда. Область корхоналари жаҳондаги 40 дан ортиқ хорижий мамлакатга машина-ускуна, пахта толаси, шойи газлама ва бошқа маҳсулотлар экспорт қилиб турибди. Фарғоналиклар ишлаб чиқарган маҳсулотларга мамлакатимизда ва чет элларда эҳтиёж ортиб бормоқда.

Буларнинг ҳаммаси фарғоналикларнинг юксак меҳнат ғайрат-шижоатидан далолат бериб турибди. Лекин фарғоналикларга ярашмайдиган жиҳатлар ҳам бор. Бу масалага давлат нуқтаи назаридан, партия талаблари асосида баҳо берилганда кўзга ярқ этиб ташланади. Область индустрияси фаолиятида анчагина камчилик ва нуқсонлар бор. Биз бунга область корхоналарида бўлганимизда, ишчилар, мутахассислар, партия ва касаба союз ходимлари билан суҳбатларимиз чоғида тўла қаноат ҳосил қилдик. Қувасой цемент комбинатининг бригадири У. Зеватдинов бундай деди:

— Меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг бригада усули юксак самарадорлик манбаи эканлигига тан берамиз. Бригадамиз ўтган йил бошидан буён шу усулда ишлаб келмоқда. Хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтириш, технология талабларига қатъий амал қилиш туфайли бригада аъзоларининг ўртача иш ҳақи аввалгига қараганда 25—30 сўм кўпайди. Бригада усули ишини ташкил этишда нотекисликлар борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди, албатта. Масалан, биз ишлаётган 1-шифер цехида ремонт хизмати ходимлари тайёрлаб чиқарилган маҳсулотга қараб эмас, балки механизмларнинг бекор туриши камайганига қараб мукофот олишади. Мастерлар ва цех бошлиғи планнинг бажарилишидан манфаатдор корхоналарида қўллаб-қувватланаётган «Бригада мажбуриятларига — иқтисодий ҳисоб-китоб ва инженерлик таъминоти» ватанпарварлик ҳаракати яхши самаралар беряпти. Бундай коллективларда меҳнат унумдорлиги ортиб, кам ишчи кучи билан кўп маҳсулот тайёрланмоқда, меҳнат унумдорлиги 20 процентгача ўсмоқда.

Тўғри, область саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан республикада Тошкент областидан кейин ҳақли равишда иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Йил сайин 2 миллиард 700 миллион сўмлик товар маҳсулот тайёрланмоқда. Шунинг 10 процента давлат Сифат белгиси билан чиқарилмоқда. Область корхоналари жаҳондаги 40 дан ортиқ хорижий мамлакатга машина-ускуна, пахта толаси, шойи газлама ва бошқа маҳсулотлар экспорт қилиб турибди. Фарғоналиклар ишлаб чиқарган маҳсулотларга мамлакатимизда ва чет элларда эҳтиёж ортиб бормоқда.

Буларнинг ҳаммаси фарғоналикларнинг юксак меҳнат ғайрат-шижоатидан далолат бериб турибди. Лекин фарғоналикларга ярашмайдиган жиҳатлар ҳам бор. Бу масалага давлат нуқтаи назаридан, партия талаблари асосида баҳо берилганда кўзга ярқ этиб ташланади. Область индустрияси фаолиятида анчагина камчилик ва нуқсонлар бор. Биз бунга область корхоналарида бўлганимизда, ишчилар, мутахассислар, партия ва касаба союз ходимлари билан суҳбатларимиз чоғида тўла қаноат ҳосил қилдик. Қувасой цемент комбинатининг бригадири У. Зеватдинов бундай деди:

— Меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг бригада усули юксак самарадорлик манбаи эканлигига тан берамиз. Бригадамиз ўтган йил бошидан буён шу усулда ишлаб келмоқда. Хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтириш, технология талабларига қатъий амал қилиш туфайли бригада аъзоларининг ўртача иш ҳақи аввалгига қараганда 25—30 сўм кўпайди. Бригада усули ишини ташкил этишда нотекисликлар борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди, албатта. Масалан, биз ишлаётган 1-шифер цехида ремонт хизмати ходимлари тайёрлаб чиқарилган маҳсулотга қараб эмас, балки механизмларнинг бекор туриши камайганига қараб мукофот олишади. Мастерлар ва цех бошлиғи планнинг бажарилишидан манфаатдор эмас. Ишчининг умум меҳнатига қўшган ҳиссаси мастер томонидан белгиланади-ю, бунда бригадир ҳам, коллективнинг аъзолари ҳам иштирок эттирилмайди. Ишчи меҳнати коэффициенти қай тариқа кўпайгани ва нега озайгани хусусида протоколлар тузиш одат эмас.

Кўриниб турибдики, меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг бригада усули ишида ҳали жиддий камчиликлар бор, ҳал этилмаган масалалар эса талайгина. Бригада усулининг самарадорлигини ошириш ҳақида ҳар бир киши, партия, совет, касаба союз ва хўжалик органларининг раҳбарлари астойдил шуғулланишлари, тўпланган тажрибани кенг ёйишлари, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш чораларини ишчанлик вазиятида кўриб чиқишлари зарур. Бу иш билан дастлаб хўжалик органларининг раҳбарлари ва мутахассислар шуғулланишлари керак. Улар бу усул мўъжизаларидан меҳнаткашларнинг бақаваранд бўлиши, моддий-техника таъминоти, планлаштириш, меҳнатни ҳисобга олишни такомиллаштиришни кундалик иш даражасига кўтаришлари лозим.

Бунда формализмга йўл қўйиб бўлмайди. Афсуски, шундай аҳвол юз бермоқда. Фарғона гўшт комбинатида ўтказилган текширишларнинг далолат беришича, меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг бригада усулида ишлаётган коллективларнинг муҳим ҳужжати — бригада паспорти мунтазам расмийлаштириб борилмаяпти. Коллектив аъзоларининг кундалик бажарган ишлари ҳисобга олинмайди. Моддий-маънавий жиҳатдан рағбатлантиришда ишлаб чиқариш натижалари ҳамиша ҳам асос қилиб олинмаётир. Бу ҳол, «Кўрсаткичлар тахтаси»ни тўлдиришда ҳам содир бўлмоқда. Бригадалар ишини инженерлик жиҳатидан таъминлашга қаратилган тадбирларнинг 66 процени ноаниқ ва умумий характерда. Бригадалар кенгаши йиғилишлар ўтказмайди. Оқибатда коллектив ҳар бир аъзосининг бажарилган ишга қанчалик ҳисса қўшганлигини аниқланмасдан қоляпти. Корхона маъмурияти, партия ташкилоти бригадаларнинг фаолияти билан чуқур шуғулланмаётир. Афтидан, бу ерда бригадаларга янги номлар берилганлигининг ўзи кифоя деб ҳисоблашаётганга ўхшайди.

Ишни бригада усулида ташкил этишга бу даражада лоқайд қараш катта резервлар бой берилаётганлигидан бошқа нарса эмас. Область саноати иши билан яқиндан танишиш асосий фондлардан тўла фойдаланилаётганлигини ҳам кўрсатди. Фондлардан фойдаланиш, айниқса, тўқимачилик комбинатида қониқарсиз аҳволда. Бу ерда технология интизоми талаблари аниқ назарда тутилмаяпти. Натижада комбинатнинг бош корхонаси тароқлаш ва тўқув ишлаб чиқаришида қувватларнинг атиги 68 процентидагина фойдаланилмоқда. Бу ҳали улкан комбинатнинг бош корхонасидаги аҳвол. Комбинатнинг қишлоқлардаги, район марказларидаги филиалларида бундан ҳам кўнгилсиз аҳволга дуч келиш мумкин. Филиалларда фондлардан фойдаланиш кўрсаткичи умуман олганда 35 процентгагина етмоқда.

Моддий-техника таъминотидаги ноаниқлик корхоналарнинг бир меъёрда ишлашига ҳалақит бермоқда. Буни, айниқса, Фарғона шаҳар саноати мисолида кўриш мумкин. Шаҳар саноати кўп йиллардан буён ўзини ўнглаб ололмаяпти. 1981 йилда товар маҳсулот ишлаб чиқариш плани 95,4 процентда қолиб кетганди. Ўтган йили эса 98,7 процент бажарилди. «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, фуран бирикмалари, пахта тозалаш, газ аппаратуралари, химиявий толалар заводлари моддий-техника ресурслари билан таъминланишда катта қийинчиликларга дуч келяпти. Оқибатда бу корхоналар маҳсулот реализация қилиш ҳажми бўйича давлат планларини бажаришда қолоқлар қаторида қолиб келмоқдалар. Ўтган етти ойда ҳам аҳвол тубдан ўзгаргани йўқ.

Меҳнат унумдорлигини ошириш бугунги кунда энг муҳим вазифа қилиб қўйилаётганлиги бежиз эмас. Меҳнат унумдорлиги юқори бўлган коллективларда барча техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар ортиғи билан бажарилиши учун ҳал қилувчи шароит яратилади. Шунга қарамай, область саноатида меҳнат унумдорлигини яхшилаб боришнинг бугунги аҳволи талаблар даражасида эмас. Ўтган етти ойда область саноати маҳсулот реализация қилиш планини 101,4 процент бажарди. Пландан ташқари ишлаб чиқарилган маҳсулот 21,4 миллион сўмликни ташкил қилган бўлса ҳам, 13 корхона маҳсулот реализация қилиш давлат планини адо этмади. Товар маҳсулот тайёрлаш ҳажми юзасидан 11 корхона белгиланган марраларни эгаллай олмади. Меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам берадиган кўпдан-кўп имкониятлар фойдаланилмай, резервлар ҳаракатсиз қолиб кетмоқда. Кейинги олти ой мобайнида меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 0,8 процентгина ўсганлигини нима деб баҳолаш мумкин?

Меҳнат унумдорлиги ўсиши билан иш ҳақининг кўпайиши ўртасидаги номутаносиблик корхоналар иқтисодий фаолиятида қийинчиликлар туғдираётганлигига алоҳида эътиборни жалб қилмоқчимиз. Беш йилликнинг икки йилида область саноатида меҳнат унумдорлиги 1,7 процент ўсгани ҳолда, иш ҳақи фонди 3,6 процент ортди. Бу ҳол областда саноат экономикаси, ҳисоб-китоб ишларини такомиллаштириб, планлаштириш ва рағбатлантириш масалаларини оқилона ташкил этиш борасида жиддий иш олиб борилиши лозимлигини таъкидлайди.

Область саноати проблемалари билан яқиндан танишиш, ишчи ва мутахассислар билан дилкаш суҳбат қуриш, сирлашиш садолари ана шуларни кўрсатди. Бу масалаларни ҳал этишда область партия комитети, корхоналардаги бошланғич партия ташкилотлари, тармоқ министрликлари ва идоралари астойдил иш олиб боришлари, партиявий-сиёсий, ташкилий-оммавий, таъминот ишларини шу куннинг юксак талаблари даражасида уюштиришлари керак. Уларнинг омма жанговар ташкилотчилари ва сиёсий тарбиячилари сифатидаги фаолияти давлат планлари, қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши, ишлаб чиқариш пировард натижаларини қўпайтириб боришга йўналтирилиши лозим.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми коммунистлар ва социалистик жамиятнинг барча гражданлари онгини шакллантириш профессионал идеологлар, пропагандистлар, оммавий ахборот воситалари ходимларининг гина вазифаси эмас, балки бутун партиянинг иши эканлигини алоҳида кўрсатиб ўтди. Фарғоналик ҳар бир коммунист ўз сўзи ва иши билан ўртоқларида меҳнатга сидқидилдан муносабатда бўлиш, масъулият ҳисси ва коллективчилик руҳини тарбиялаши, ташаббускорлик ва социалистик омилкорликка, кам чиқим билан энг яхши пировард натижага эришишга қаратилган иқтисодий тафаккурнинг янги типини шакллантиришда шахсий ибрат кўрсатиши зарур.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ,
О. ҲАКИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

ТИНЧЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ — БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ВАЗИФА

ВАШИНГТОН, 18 август, (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Ранси Ю. В. Андроповнинг СССРга келган касаба союз делегацияси бошлиғи, АҚШнинг таниқли касаба союз арбоби У. Униписингер билан қилган суҳбати Америка оммавий ахборот воситаларининг эътиборини ўзига жалб этди. Матбуот, телевидение, ахборот агентликлари Совет раҳбарининг гапларини батафсил баён этиб ва шарҳлаб, СССРнинг тинчликка қатъий интилаётганлигини, унинг ядро қуроллари билан қуролланиш пойгасини жиловлаш ва янги жаҳон уруши хавфининг олдини олиш мақсадида АҚШ билан адолатли асосда бир битимга келиш учун ҳаракат қилаётганлигини таъкидламоқдалар, СССР ҳар икки мамлакат меҳнаткашлари ўртасида алоқалар ва дўстона мулоқотларни ривожлантиришга тайёр эканлигини уқтирмоқдалар. Шарҳларда айтиладики, Ю. В. Андроповнинг таъкидлашича, Совет Иттифоқи воқеаларнинг хатарли ривожига йўл қўймасликни, тинчликни мустаҳкамлашни ўзининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди.

«Вашингтон пост» газетаси суҳбат тўғрисидаги хабарни «Ю. В. Андропов Қўшма Штатларни Женева музокараларида эпчил ҳаракат қилишга чақиради» деган сарлавҳа остида эълон қилди. Совет раҳбари, деб уқтириб ўтади газета, СССР билан АҚШ Женевада Европада ядро қуролларини чеклаш тўғрисида бир битимга кела оладилар, деб умид билдирди. Ана шу қуролланиш пойгаси, деб таъкидлади Совет Иттифоқи раҳбари, ҳозирги вақтда халқаро муносабатларнинг асаббузар нуқтаси бўлиб қолди ва бу пойга янги жаҳон уруши хавфини тез ва кескин кучайтириш манбаи бўлиб қолиши мумкин. Ю. В. Андропов Вашингтонни масъулиятсиз, агрессив сиёсий баёнотлари ва ҳаракатлари билан таркиб тилган вазиятни чуқурлаштиришда айблаб, СССР ядро қуролларини қисқартириш, Женевада ҳалоллик билан бамаслаҳат келишиб олиш тарафдори эканлигини уқтирди. У СССРдан бир томонлама қуролсизланишни талаб этиш ярамайди ва Совет Иттифоқи бунга ҳеч қачон рози бўлмайди, деди.

Американинг «Нью-Йорк таймс» газетаси ёзади: «Ю. В. Андропов Женевада ўртача олисликка учириладиган ядро ракеталари тўғрисидаги музокараларда бундан буён ҳам конструктив ва эпчил йўлга амал қилади, деб таъкидлади. Ана шу музокаралар келгуси йўда яна бошланади». «Совет раҳбари айтдики, башарти АҚШ ўзининг янги ядро ракеталарини Ғарбий Европада жойлаштира бошласа, Совет Иттифоқи ўз хавфсизлигини ва ўз иттифоқчиларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида жавоб тариқасида мудофаа чораларини кўришга мажбур бўлади», — деб уқтириб ўтади Си-Би-Эс телекомпанияси.

Ю. В. Андропов, деб қайд қилади ЮПИ агентлиги, ҳар икки мамлакат меҳнаткашлари ўртасида, Америка касаба союзлари билан СССР касаба союзлари ўртасида мулоқотларга ижобий муносабатда бўлганлигини айтди, аммо бундай мулоқотларга ҳалақит бераётгани учун Америка меҳнат федерацияси — ишлаб чиқариш касаба союзлари конгресси раҳбарларини ва АҚШ маъмурларини танқид қилди. Совет раҳбари, деб ёзади АП ахборот агентлиги, Америка ишчиларининг ўзига топширилган дўстона табрикномасини АҚШ меҳнаткашларининг совет кишилари билан дўстликни ривожлантиришга, мамлакатларимиз ўртасидаги тинчлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга, бинобарин умумий тинчликни ҳам мустаҳкамлашга интилаётганлигини ифода этувчи далил деб ҳисоблаганлигини айтди. Агентлик Ю. В. Андроповнинг шу сўзларини келтиради: Башарти бизга дўстлик қўлини узатар эканлар, совет кишилари ҳамиша самимий қўл қисишиб кўришадилар.

ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

АНЪАНАВИЙ ДЎСТЛИК НАМОЙИШИ

Мамлакатимизда Совет-Ҳиндистон дўстлиги ойлиги давом этмоқда. Ушбу ойлик Ҳиндистон мустақиллигининг 36 йиллигига ҳамда СССР билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг 12 йиллигига бағишланган.

Совет — Ҳиндистон муносабатлари экономика ва социал ривожланишнинг энг муҳим масалаларини ҳал этишда ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир. Мустақил Ҳиндистоннинг миллий экономикасини ривожлантиришда Совет Иттифоқи дўстона, самимий ёрдам кўрсатди. Эндиликда бу мамлакатнинг иқтисодий харитасида давлат секторининг СССР кўмагида бунёд этилган жами 80 га яқин йирик халқ хўжалик объекти пайдо бўлди. Бхилаи ва Бокаро металлургия комбинатлари, Ранчи оғир машинасозлик заводи, Дургапур кон-шахта асбоб-ускуналари заводи, Хардвар оғир электр асбоб-ускуналари заводи ва бошқалар шулар жумласидандир. Жавоҳарлаъл Неру қадимий мамлакатнинг «янги қасрлари» деб атаган бу қудратли корхоналар ҳозир нефть, газ, кўмир қазиб чиқаришни амалда батамом таъминламоқда, электр станциялари учун турбиналар, электрон саноат буюмлари, кемалар, самолётлар ва локомотивларнинг кўп қисмини ишлаб чиқармоқда.

Совет — Ҳиндистон ҳамкорлигининг муҳим соҳаси бўлган қишлоқ хўжалиги — ҳинд экономикасининг тармоғида мамлакат аҳолисининг 80 процентга яқини шуғулланмоқда. Совет Иттифоқи ғаллачилик хўжалиги, мойли экинлар, уруғчилик, чорвачилик, қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантиришда Ҳиндистонга кўмаклашмоқда.

Йил сайин мустаҳкамланаётган илмий-техникавий алоқалар турли соҳаларни, шу жумладан космик тадқиқотларни ҳам ўз ичига олган. Ҳиндистоннинг сунъий ер йўлдошлари муваффақиятли учирилганлиги ана шу ҳамкорлик самарасидир. Совет ва Ҳиндистон космонавтлари биргаликда космосга парвоз қиладиган кун ҳам узоқ эмас. Бу парвоз мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришдаги янги имкониятлар рамзи бўлиб қолади.

Маданий алоқалар янада кенгаймоқда. Жумладан, совет ва ҳинд кинематографчилари биргаликда фильмлар яратишда самарали ҳамкорлик қилмоқдалар. Яқинда «Совинфильм»ві Бутунитифоқ бирлашмаси, «Ўзбекфильм» киностудияси ва «Игльфильмз» фирмаси «Севги ҳақида афсона» фильмини суратга олиш ҳақида шартнома имзоладилар.

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги алоқалар 1971 йилда тузилган тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Совет — Ҳиндистон шартномасининг негизига таяниб, мутасил ривожланаётир. 9 августда мамлакатларимиз мазкур шартноманинг 12 йиллигини кенг нишонладилар.

Совет — Ҳиндистон ҳамкорлиги катта истиқболга эга. Унинг кенгайиши ва янада мустаҳкамланишига серқуёш республикамиз ҳам муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Шу кунларда мамлакатимизда ўтаётган Совет — Ҳиндистон дўстлиги ойлиги СССР билан Ҳиндистон ўртасида янада мустаҳкамланаётган анъанавий дўстлик ва ҳамкорликнинг ёрқин намойишидир.

А. РУЗИЕВ.

ҲИНДИСТОННИНГ «ҚОРА ОЛТИНИ»

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳиндистоннинг нефть саноати шаҳдам суръатлар билан ривожланмоқда. ЮНИ ахборот агентлигининг маълум қилишича, сўнгги уч йил ичида соҳил яқинидаги саёз жойлар зонасида парманланган қудуқлардан нефть қазиб олиш тўрт баравар кўпайди.

Ўтган 1982—83 молия йилида ҳинд нефтчилари мамлакатга 21 миллион тоннадан ортиқ хом ашё етказиб бердилар.

«Нэшнл геральд» газетаси ҳозирги вақтда мамлакат шу ўн йиллик охиригача бориб ўзини нефть билан тўла таъминлай олиши учун замин яратилганлиги тўғрисида ёзади.

Ҳиндистонда «қора олтин» қазиб олиш ва уни қайта ишлаш соҳасида Совет Иттифоқи билан ҳамкорлик тажрибасига юксак баҳо берилмоқда. Ҳозирги вақтда совет мутахассислари янги нефть конларини қидириб топишда, ҳинд геологлари тўплаган маълумотларни ишлаб чиқишда Ҳиндистонга ёрдам бермоқдалар.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

✦ **ҒАРБИЙ БЕРЛИН. Бу ерда нижилчилар черкови раҳбарлари Европада ядро қуролларининг барча турларини кўпайтирмасликни ва ядросиз зоналарни вужудга келтиришни ёқлаб чиқдилар. Улар эълон қилган баёнотда Ғарбий Европадаги ядро қуролларини тугатиш ва уларнинг бир қисмини олиб чиқиб кетиш муҳимлиги таъкидланади.**

✦ **ТОКИО. Японияга Американинг ядро қуроли яширинча жойлаштирилди. Бу эса Токиода расмий равишда эълон қилинган принципларга, жумладан, ядро қуролини мамлакат территориясига олиб киришни тақиқловчи принципга хилофдир. Япон студентларининг қарийб 77 проценти шундай фикр билдирмоқда. (ТАСС).**

МЕВА ВА САБЗАВОТ ТАЙЁРЛАШНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

ИЛҒОРЛАРДАН ИБРАТ ОЛИНГ

Республикамиз боғбон-соҳибкорлари бу йил мева ва узумдан ҳар қачонгидан юқори ҳосил етиштирдилар. Йиғим-терим ва давлат тайёрлов ташкилотларига маҳсулотлар топшириш жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда. Кейинги маълумотларга қараганда, республика бўйича ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 6 минг тоннадан кўпроқ, жами 271 минг 550 тонна мева тайёрланди. Умумиттифоқ фондига маҳсулотлар жўнатиш айниқса кўпайтирилмоқда.

Қорақалпоғистон автоном республикаси, Бухоро, Жиззах областларининг боғбонлари мева тайёрлаш йиллик планларини ортиғи билан бажарганларига анча бўлди. Кўплаб районлар, колхозлар, совхозларда қўшимча мажбурият ҳисобига маҳсулотлар тайёрланмоқда. Бироқ, барча имкониятлар бўла туриб, **Наманган областида** мева ва узум тайёрлашда сусткаш

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

—Фарзанд оила қувончи, бахти
✦
—МЕЪМОРЧИЛИК РАВНАҚИ ЙЎЛИДА
✦
—Кишилар қалбини сеҳрлаб

КЕЧАГИ ПОЧТАДАН

ДИЛ СЕВИНЧИ

Чирчиқ шаҳри яқинида ўғлим билан кетаётгандик, машинамиз тўсатдан бузилиб қолди. Нима қилиш керак!

Телефонда шаҳардаги 4-техника хизмати кўрсатиш станциясига мурожаат қилдик. Буни қаранг, зум ўтмай, «Тез ёрдам» группаси келди... Машинамиз йўлга тушди. Бенхтиёр бизда станция маъмуриятига бориб, кўрсатилган ёрдам учун миннатдорчилик билдириб кўйиш истаги туғилди.

Бордик. Станция бошлиғи Ёқубжон Икромов бетоб экан. Бош инженер Евгений Кульминчук билан учрашдик. У бизга кўмак кўрсатган йигитлар номини айтиб берди: Мастер Алишер Назаров бошлиқ «Тез ёрдам» группаси: слесарь Абдурашид Юсупов, электрик Содиржон Эрназаров.

— Бизда бундай йигитлар кўп, — фахр билан давом этди у. — Мастер Маъмур Раҳмонов, Барот Аминов, слесарь Иван Янцер, Месвут Мамбетов, бўёқчи Виктор Леонгард, электрик Снёр Осмонов сингари ўнлаб ўз ишининг усталари борки, улардан ҳамма миннатдор.

Инженер бизга станцияга ёрдам сўраб, мурожаат қилган нивалидлар ва бошқа кишилар учун бу ерда махсус дафтар очиб қўйилганлигини, унга одамлар ўз буюртмаларини ёзиб қолдиришни мумкинлигини ва бу буюртма орқали уларга тез орада ёрдам кўрсатилишини ҳикоя қилиб берди.

... Станциядан дилим ёришиб чиқиб кетар эканман, Улуғ Ватан урушида душман танки мажақлаб кетган оёғимнинг мадорсизлигини ҳам унутдим. Хаёлимда урушдан кейин биз, нивалидларга партия ва ҳукуматимиз кўрсатаётган беминнат ғамхўрлик, олижаноб иллатларга ва текинга бериб қўйилган «Запорожец» автомашинаси — ҳаммасини эслаб, фахрли ҳисларга берилдим. Айни пайтда совет кишиларнинг бир-бирига эътибори, муҳаббати, меҳр-оқибатидан кўнглим тоғдек кўтарилиб, бошим осмонга етди.

Асил НОСИРОВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Бўстонлиқ районидаги Хондайлиқ қишлоғи.

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

Ўзбекистон меҳнаткашлари Тошкент шаҳри 2000 йиллик тўйини нишонлаш учун алоҳида тайёргарлик кўрмоқдалар.

Бу катта анжуманга атаб «Халқлар дўстлиги» орденли «Ўзбекистон» нашриёти коллективи ҳам муносиб совға ҳозирламоқда. Нашриёт ИЗО бўлимида тайёрланган «Тошкент 2000» деб номланган фотоальбом ўзбек, рус, араб, инглиз тилларида Финляндияда нашр этилди.

Ҳозирги кунда рассомлар группаси юбилейга бағишланган ўн бир номдаги плакат тайёрламоқда. Рассом М. Калининнинг: «Дўстлик ол байроғи бошинг узра ҳилпирар, Шарқда гулгун чиройсан — азим Тошкентим!», А. Балкановнинг «Тошкент—2000» деб номланган, шунингдек, Б. Мальцев, Г. Просвировларнинг плакатларида ҳам муаззам шаҳримиз камолй, жамоли ҳаяжон билан тасвирланади.

Н. ҲАКИМОВА.

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛОТИ — ОТА-ОНА ФАРОҒАТИ

ОЛТИ ЎҒИЛ, ТЎҚҚИЗ ҚИЗ

ФАРЗАНД оила қувончи, бахти. Шунинг учун ҳам дўст-биродарлар, қариндош-уруғлар бир-бирлари билан кўришганларида мол-мулкни эмас, фарзандларнинг сонини сўрашган. Ўғил-қизлар нечта бўлди, дейишган. Дарҳақиқат, энг катта бойлик бу — фарзанд. Оилада фарзанд туғилса ҳамма қувонади.

Чўлқуварлар маскани Ёзёвонда Карим акалар оиласини танимайдиган, билмайдиган киши топилмаса керак. Ахир олти ўғил, тўққиз қиз кўриб тарбиялаётган, ҳаммасини даврримизнинг баркамол ва муносиб кишилари қилиб вояга етказаётган ота ва онага кимнинг ҳаваси келмайди, дейсиз?!

Карим ака Саидов ва Қумри опа Исоқованинг тўнғич фарзанди 30 ёшга кирди. Кенжатойлари Иброҳимжон болалар боғчасига боради. Бир оилада ўн беш фарзанд, ўн бешта орзу-ҳавас, бир олам қувонч! Уларнинг ҳар бирини ўз феъли-атвори, орзу-ҳаваси, интилиши, талаб-эҳтиёжи бор. Шунинг учун ҳам Карим ака билан Қумри опа болаларига доимо хушмуомалада бўлишади. Шу боисдан бу хонадонда ҳамиша хушчақчақлик, тотувлик ҳукмрон. Акаукалар, опа-сингилларнинг ўзаро аҳилликларига ҳамма ҳавас қилади. Оиладаги тотувлик, фарзандларнинг мўмин-қобиллиги ота-онага ҳузур-ҳаловат бахш этади.

Карим ака асл деҳқон фарзанди. Эсини танибди-ки, янги ер очиб, деҳқончилик қилади. Ўғил ва қизларини ҳам ерни севишга-ардоқлашга ўргатди. У Марказий Фарғона ерларига дастлаб ҳужум бошлаган чўлқуварлардан. Шу боис у ҳозирда ҳам чўл билан олишади, қўрикда пахта етиштиради.

— Оилага бошчилик қилиш осон иш эмас,—дейди Карим ака Саидов. — Энг аввало, тарбиячиларнинг ўзлари тарбия кўрган бўлишлари, меҳнатга ундовчиларнинг ўзлари меҳнатсевар бўлишлари керак. Эр билан хотиннинг бир-бирига садоқати, меҳр-оқибати тарбияга алоҳида таъсир кўрсатади. Хонадонда яхши муҳит бўлса, болалар ҳам унга мослашиб вояга етадилар. «Қуш уясида кўрганини қилади», — деб бекорга айтишмаган, ахир!

— Болани ёшлигидан бошлаб меҳнатга ўргатиш керак, — дейди Қаҳрамон она Қумри опа. — Катта ёшдаги фарзандларимизнинг ҳаммаси иш билан банд. Ҳатто кенжатой Иброҳимжонга ҳам бирор юмуш топиб бериб, куймантириб қўямиз. Негаки, болани меҳнатдан олиб қочиб тарбиялаш, уни меҳнатга бўлган муносабатига салбий таъсир кўрсатади. Хонадонимиздаги барча ишларни болаларимизнинг ўзлари бажаришади, — дея гапида давом этди Қумри опа Исоқова. — Лекин буни ўзи ҳам камлик қилади. Шунинг учун биз фарзандларимизни дала ишларида фаол қатнаштириб келяпмиз. Биз турмуш қурган 1952 йилда Ёзёвон чўлларига эндигина ҳужум бошланган эди. Шундан бери оиламиз билан қўриқ очиб, деҳқончилик қиламиз. Дастлаб янги ерларни очиб шоли эқдик, ер тозаланиб қолиши билан пахтачиликда ишладик. Боғ яратдик. Шу билан эл ишига муносиб ҳисса қўшиб келяпмиз. Ҳар бир фарзандимиз оиламизга олам-олам қувонч олиб келди. Улар улғайишиб, оиламиз ва турмушимиз фаровонлигини оширяпти. Қанотимизга кириб меҳнат қилишяпти.

Ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида райондаги «Правда» совхозининг Марказий Фарғона ерларида ташкил қилинган «Коммуна» бўлимидан 20 гектар ер ўзлаштириб, нарядсиз ишлайдиган оилавий звено тащкил қилдик. Ҳар гектар ердан пландаги 19 ўрнига 25 центнердан пахта ҳосили кўтариб, давлатга 50 тонна биринчи сортли чўл пахтаси етказиб бердик. Бунинг эвазига хўжалигимиз жуда катта даромад олди. Пахтадан мўл ҳосил етиштиришда оиламизнинг барча аъзолари озми-кўпми ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Бу ўринда фарзандларимиз Исмоилжон, Ҳакимжон, келинларимиз Муқаддасхон ва Розияхонлар алоҳида намуна кўрсатиб меҳнат қилишди. 50 тонналик оила хирмонини йиғиштириб олишда Абдуллажон, Моҳирахон, Салимахон, Маликахон ва Дилбархонлар ҳам четда қолишмади. Улар ҳам дарслардан бўш вақтларида доимо далада бўлишди.

Уларнинг оиласи ҳам партия ва ҳукуматимиз қилаётган барча ғамхўрликлардан баҳраманд. Оилада бир эмас, иккита енгил автомашина, радио, телевизор, холодильник, кир ювадиган, гилам тозалайдиган, чок тикадиган машиналар бор. Ишга ҳам енгил машиналарида бориб келишади.

Қаҳрамон она Қумри опа ва тажрибали деҳқон Карим акалар оиласида ҳар куни бир қувонч шоҳиди бўласиз. Яқинда кенжатой Иброҳимжон доҳий В. И. Ленин ҳақида боғча опаси ўргатган шеърни оила даврасида ёддан ўқиб берди...

Бахтиёр оила бошлиғи Карим ака ҳар куни эрта тонг билан пахтазор томон ошиқади. Кечга яқин фарзандлари амалга оширган ишлар сифатини текширади. Эртага бўладиган ишлар режасини тузади. Уларнинг ҳаёти бу йил 20 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 20 ўрнига 35 центнердан чўл пахтаси етиштиришдан иборат. Бу, албатта, ўз-ўзидан бўлмайди. Катта куч ва самаралли меҳнат талаб қилади. Бу қурашда оиланинг барча аъзолари фаол қатнашяптилар.

Бахтли ҳаёт кечириб, коммунистик мўл-кўлчилик яратиш ишига муносиб ҳисса қўшаётган аҳил бу оиланинг келгуси ишларига ҳам омад, қут-барака тилагимиз келади.

У. ИСМОИЛОВ,
А. МАДРАҲИМОВ,
Ёзёвон райони.

Кўплаб шогирдларнинг ажойиб мураббийси, кекса педагог Аъзам ота Рустамовни халқимиз эъзозлаб, ҳурмат билан номини тилга олади. Ширинсухан, камтар бу инсонни билим масканлари, маданий-оқартув муассасалари ҳаяжонли учрашувга тез-тез таклиф этиб туради. Чунки катта ҳаёт йўлини босиб ўтган бу маориф ветераниндан кўп яхши нарсаларни ўрганиш мумкин. Уни ҳамиша ёшлар даврасида, қизғин суҳбат устида учратасиз. Фотомухбиримиз В. Молгачёв олган ушбу суратда ҳам ана шундай унутилмас ва мазмунли учрашув ўз аксини топган. Партия ва ҳукуматимиз унинг маориф соҳасидаги катта хизматларини юксак баҳолаган. Партия ва маориф ветерани Аъзам ота Рустамов Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, СССР халқ маорифи аълочисидир.

Ганч ўймакорлик санъати ҳақида баъзи мулоҳазалар

ГАРД ЮҚТИРМАЙ ЭЪЗОЗЛАЙЛИК

Замон тинч бўлиб, ҳаётимиз фаровонлашиб бораётгани сари осуда ҳаёт кечираётган халқимизнинг гўзалликкa бўлган талаб ва эҳтиёжлари тобора ортиб бормоқда. Санъат асарлари яна ҳам қадр ва эъзоз топмоқда. Бунёдкор меҳнат аҳли жамоат ва турар жой биноларининг шинам, гўзал бўлишини истайди. Буни рўёбга чиқаришда, биз, ганч-ўймакорлиги санъати усталарининг қўшадиган улушимиз ғоят шарафли ва масъулиятлидир.

Биз колхоз ва совхозларда, замонавий посёлкаларда, ишчи шаҳарчаларида, социалистик шаҳарларимизда қад кўтараётган замонавий биноларга ганчдан бадиий сайқал беришда анча хайрли ишлар қилдик ва уддалаб келмоқдамиз. Буниси ғоят қувонарли, албатта. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, кейинги пайтларда ганч ўймакорлиги санъатига нотўғри муносабатда бўлиш ҳоллари ҳам юз бермоқда. «Ҳашамдорлик биноларни ғачаналаштириб юборади, ортиқча сарф-харажатга олиб келади», — деган қарашлар пайдо бўлгач қўлидан иш келадиган кўпгина яхши усталар бошқа касбга ўтиб кетишди. Бунинг сабабларини мен яқинда «Ёш гвардия» нашриёти чиқарган «Санъатим-саодатим» деб аталган рисоламда ҳам батафсил айтиб ўтдим.

Партия ва ҳукуматимиз халқ амалий санъатига бўлган салбий қарашларни вақтида пайқаб, унинг олдини олди, имконият ва шароитлар яратиб берди. КПСС Марказий Комитетининг «Халқ бадиий ҳунармандчилигини ривожлантириш тўғрисида», Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Республикада халқ амалий санъатининг аҳволи ва уни янада ривожлантириш тўғрисида» қабул қилган қарорлари, биз, халқ усталари, ҳунармандларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир. Бу тарихий қарорлар шу соҳага тааллуқли бўлган ижодий ташкилотлар, тегишли муассасалар учун дастур бўлди. Мазкур қарорлар шарофати билан Ўзбекистон Рассомлар союзининг Бадиий фонди халқ санъати усталарининг республика уюшмаси ташкил этилди ва у ҳозирги кунда «Уста» деб юритилмоқда. Унга диёримиздаги уч юздан зиёд халқ усталари бирлашди. Уюшманинг Самарқанд, Қўқон ва Урганчда зонал бўлимлари фаолият кўрсатмоқда.

Афсуски, ижрочи ташкилотларга келганимизда улар баъзан ўзларича билағонлик қилмоқчи бўлиб, қўлидан иш келадиган ҳунармандларни ранжитиб қўядилар. Мана, бир мисол. Мен бир неча йиллардан буён бошчилик қилиб келаётган ганч ўймакорлиги бригадаси Бадиий Фондга қарашли Тошкент эксперментал амалий санъат ижодий комбинатига қарарди. Яхшигина ишлаб турганимизда нима сабабдандир ганч ўймакорлиги ҳамда сирчилик бригадалари (булар бино безакчилигига тааллуқли деган баҳона билан) Бадиий Фондининг монументал ҳайкалтарошлик комбинатига ўтказиб юборилди. Мазкур комбинатдаги масъул ўртоқлар бизга эксперментал амалий санъат ижодий комбинатдагидек муносабат билдиришмади, тўғриси, ўз ҳолимизга ташлаб қўйишди. Тошкент монументал - ҳайкалтарошлик комбинати Рассомлар союзига, қолаверса, Бадиий Фондга ўгай ташкилот эмаску, ахир! Ганчкорлар ҳамда сиркорлар ишлаб топган маблағ монументал-ҳайкалтарошлик комбинатининг молиявий планига кирмаса ҳам, Бадиий Фондининг планига қўшилади-ку! Бир корхонани кўтариш учун усталарни ўз корхонасидан бошқа корхонага — профессионал ҳайкалтарошлар ва монументалист рассомлар корхонасига ўтказишга нима зарурат туғилди экан?! Биз, ганчкор ва сиркорлар ана шунисига тушунмай доғдамиз.

Биз, ганчкор ва сиркорларнинг ижодий фаолиятимиз, имкониятларимиз меъморлар билан узвий боғлиқ. Тўғрисини айтганда, кўп ҳолларда уларнинг истаклари ва қарашларига биноан иш юритишга мажбурмиз. Шу билан бирга буюртмачи ташкилотларнинг ҳоҳишларига ҳам қараб иш юритамиз. Нима ҳам дердик, муросаи-мадора, деган эканлар. Баъзи ўртоқлар: «Ганч ишлари ҳажмини кенгайтириб юборяпсизлар, иложи бўлса, полгача олиб тушишга ҳаракат қиляпсизлар», — деган дашномларни айтишяпти. Лекин, биз ижрочи усталар архитектор ҳамда буюртмачи ташкилотларнинг кўрсатмаларидан четга чиқаётганимиз йўқ.

Сир эмас, баъзи нохушликка, кўнгилсиз воқеаларнинг содир бўлишига санъатни пул топиш, бойлик орттириш манбаи деб тушунган «чала» усталар сабаб бўлмоқда. Бунинг оқибатида баъзи эътирозлар келиб чиқмоқда. Бу санъатга доғ тушириш, ҳунармандчиликнинг нонини ҳалолламай ейиш, демакдир. Бунга асосий сабаб Ўзбекистон Бадиий Фондига алоқаси бўлмаган баъзи ташкилотларда малакасиз «чала» усталар бошчилигида ганч ўймакорлиги бригадалари фаолият кўрсатаётганлигидир. Бундай «усталар» иш жараёнида буюртмачи ташкилотдан қандай бўлмасин кўпроқ пул олиш мақсадида ҳар мақомга йўғалаб, оқибатда бажарган ишлари ҳақли эътирозларга сабаб бўлмоқда. Дашномлар эса ҳақиқий усталарга келиб тегаётганига ачинамиз. Агар шу бригадаларни бир жойга тўплаб, уларга ягона ташкилот раҳбарлик қилганида эди, бу иш мақсадга мувофиқ бўларди.

Биз санъат асарларимизни бугун ёки мавсумийлик учун эмас, балки истиқболимиз бўлмиш келажак авлод учун яратамиз. Зеро, ҳар бир ҳақиқий уста ўз санъати умрининг боқий бўлишини умид қилади ва шунга интилади.

Ҳунаримизга доғ туширимайлик, уни ҳамиша пок сақлайлик. Шунда халқимиз, Коммунистик партиямиз ва она-Ватанимизнинг ҳурмат ва эътиборини қозонаверамиз.

Маҳмуд УСМОНОВ,
Ўзбекистон ССР халқ рассоми.

Ҳамма севган санъат

Кўринг одамлар...

Одамлар, одамлар, уни олқишланг!
Қаранг, у нақадар эпчил ва ўктам.

Абдулла ОРИПОВ.

Катта дор устида булутлар билан сўзлашиб дорбоз юрибди. Бу юксак санъатдан лол қолган томошабин дордан кўзини узмайди. Ана, дор ипини босганча қўлидаги лангарни бир текис ушлаб беш яшар Мўътабархон ўйин кўрсатяпти. Томошабинлар қизчанинг ҳаракатларидан беҳад ҳайратга тушган. Биргина шу кўриниш орқали бу коллективнинг аҳиллик билан қилаётган машақкатли меҳнатига ишонч ҳосил қилдим.

Нарпай район марказий маданият уйи қошида ташкил этилган Бозорбой Қурбонов бошчилигидаги дорбозлар группаси бир неча йилдан буён халқ олқишига сазовор бўлиб келмоқда. Улар республикамизнинг кўпгина область, районларида бўлиб, санъатларини намойиш этишяпти. Яқинда нарпайлик дорбозлар Хоразм областининг Хива, Урганч шаҳарлари ҳамда Гурлан ва Кўшкўпир районларига бориб қайтдилар.

Дорбозларнинг репертуаридан халқимизнинг миллий санъати меросларн чуқур ўрин олган. Карнай-сурнай янграши билан бошланган намойишда бирин-кетин ёш қизалоқ Мўътабархон Қурбонова «Егоч оёқ ва от ўйинлари», «Дор ўйинлари», А. Шеров ва Р. Ражабовлар «Масхарабозлик», «Катта дор устида масхарабозлик», Б. Қурбонов «Тишда тош кўтариш», «Занжир узиш», «Машина кўтариш», «Тиш билан машина судраш» каби ўйинларини кўрсатадилар.

Коллективнинг меҳнати муносиб қадрланяпти. Улар Самарқанд область Ленин комсомоли мукофоти лауреати унвонига сазовор бўлдилар. Шунингдек, республика цирк телевизион конкурсида фахрий биринчи ўринни эгаллашди ҳамда республика халқ ижоди ва маданий-оқартув ишлари илмий-методик марказининг эсдалик совғаси, биринчи даражали ёрлиғи билан тақдирландилар. Бундай ютуқлардан руҳланган дорбозлар ўз программаларини янада ранг-баранг номерлар билан бойитиш устида ишлашяпти.

Ана, кишилар қалбини сеҳрлаб булутлар билан сўзлашиб дор устида дорбоз юрибди. Кўринг, одамлар, унинг санъатига тасанно айтинг. У одамларни ўзига мафтун этиб, қалбини қувончга тўлдирмоқда.

И. САЛИМОВ,
Самарқанд области.

«Совет Ўзбекистони»га жавоб берадилар

«Районимиздаги Жўрахон Усмонов номли қишлоқ Совети аҳолиси алоқа хизматининг кўнгилдагидек эмаслигидан ранжимоқда», — деб ёзади Ховос районидан У. Комилов ва бошқалар.

ХОВОС РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ушбу арза юзасидан текшириш ўтказиб, қуйидагиларни маълум қилади:

— Хатдаги айрим фактлар тасдиқланди. Камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

Район алоқа тармоғи бошлиғи Х. Бўронов огоҳлантирилди ва унинг зиммасига мазкур қишлоқ Совети территориясида алоқа хизматини яхшилаш вазифаси юклатилган эди. Ҳозирги кунда алоқа хизмати нормал ишлаб турибди.

Калинин номли, «Восток», «Чашма» участкалари ва медицина пунктларида алоқа хизматини яхшилаш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди ва келгуси йили бу ишлар учун қўшимча маблағлар ажратиш режалаштирилди.

ГАЗЕТХОН ТАНҚИДИ

«ЮЛДУЗЧА» ҚАЧОН ОЧИЛАДИ

Маҳалламиздаги «Юлдузча» кинотеатри 1970—1975 йилларда томошабинлар билан доимо гавжум бўлиб турарди. 1975 йилда номаълум сабабларга кўра у бирдан ёпилиб қолди. Ўшандан буён ишламайди, давлатнинг қанчаданқанча маблағи сарфланиб қурилган ҳашаматли бино эса тобора ишдан чиқиб бормоқда.

Аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариш масканларидан бири бўлган «Юлдузча» кинотеатрига Акмал Икромов райони ижроия комитетидаги масъул ўртоқлар қачон назар ташлашар экан?

Тошкент шаҳар Акмал Икромов район «Иқтисод» маҳалласи активлари номидан.

Н. ҚОДИРОВ.

САВЛАТИГА ИШОНМАНГ

Колхозимиз аҳли суюлтирилган газдан фойдаланиб келади. Ўз вақтида келтирилмай қолганидан кейин биз район газлаштириш идорасига мурожаат қилмоқчи бўлдик. Алоҳида хонада ўтирган бир қиз бизни совуқ қарши олди.

— Эзиб келаверинглар, газ келса оласизлар, бўлмаса йўқ! — деди у кўзларини лўқ қилиб.

Жимгина орқамизга қайтдик. Газдан эса ҳали ҳам дарак йўқ. Афсус, газ идораси биносининг савлати улуғу, бу ерда ишловчиларнинг ваъдалари қуруқ экан-да?

А. САЙНАЗАРОВ,
Қ. ИМИНОВ,
Қўрғонтепа районидаги Навоий номли колхоз аъзолари.

ИЧИМЛИК СУВ МУАММОСИ

Янги Миришкор — чўлда бунёд этилган қишлоқ.

Афсуски, кимсасиз яйдоқ даштда ташкил этилган бу қишлоқ аҳолиси ичимлик сув билан яхши таъминланмаган. Кейинги икки ой давомида водопровод қувурларидан оғизга олиб бўлмайдиган шўр сув келяпти. Аслида областнинг барча районларига Яккабоғ тоғларининг ширин суви келиши керак. «Каршистрой» бошқармасига қарашли Бешкент электр тармоқлари идораси сув тўплагичга зах сувни қўшиб Усмон Юсупов районига оқизмоқда.

Ана шуниси кишини ажаблантиради. Устига-устак Янги Миришкор қишлоғи тўлиқ водопроводлаштирилмаган.

А. ҲАСАНОВ.

ҚАЛБ СЎЗЛАРИ

МЕН ОЛАМНИ КЎРЯПМАН

Мен Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхозида истиқомат қиламан. Ёшим 42 да. 1975 йилда кўзларим хиралашиб, аста-секин бутунлай кўрмай қолдим. Ёруғ жаҳонни кўришдан маҳрум бўлиш нақадар даҳшат эканлигини шунда билганман. Албатта, докторларга учрадим. Уларнинг баъзилари: «операция қилиш керак, лекин ҳали кўз пардаларн ҳом», — дейишса, бошқалари: «даволаб бўлмайди», — дейишди.

Ахийри шу йилнинг 2 мартида Пискент шаҳар касалхонасининг кўз касалликларини даволаш бўлимига бордим. Мени шу бўлим мудираси Соня Мираҳмедова жуда илиқ кутиб олди. Шифокорнинг чеҳраларини кўрмасам ҳам ширин сўзларини эшитиб, шифо топишга ишонч ҳосил қилдим. Соня Мираҳмедова 10 март куни чап кўзимни, 25 май куни эса ўнг кўзимни мураффақиятли операция қилди Шу аёлнинг шифобахш қўли туфайли, 7 йилдан сўнг, дунё юзини қайта кўрдим.

Ҳозир эса шодлигим чексиз. Миннатдорчилик ва қувончимни қандай қилиб билдиришга ожизман. Ҳа фақат мен, балки менга ўхшаган кўплаб ногиронлар унинг қўлида шифо топишган. Беморларнинг дардига малҳам бўлиб, уларнинг оёққа туриб кетишида кўмаклашаётган шу бўлимнинг ширинсўз ҳамширалари — Сайёра, Мунирахон, Умринисо ҳамда Маъмурахонларга ҳам қуллуқ қиламан ва уларга минг бор раҳмат, халоскорларим, дейман!

И. ЭШМАТОВА,
Тошкент области.

ТАНИШИНГ: САНЪАТКОРЛАР

ДОИРА ОҲАНГЛАРИ

Доира оҳанги дам авжига минади, дам пасаяди. Истеъдодли санъаткор, «Баҳор» ансамбли солисти, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Талъат Сайфиддинов қўлида енгил кўчаётган шўх доиранинг жарангдорлиги ва ўйноқилиги кишига завқ шавқ бағишлайди. Ўрта бўй, истараси иссиқ ва ёқимли доирачининг ҳамиша табассум қилиб туриши, қўш доирани маҳорат билан чалиши томошабинларнинг қизғин ва самимий олқишига сазовор бўлмоқда.

Талъатда доира санъатига муҳаббат жуда эрта уйғонди. Самарқанддаги 38-ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ унинг фикри-зикри ширин орзу-истаклар билан банд эди. У шаҳар маданият уйида доира чалиш сирларини ўргана бошлади. Кейинчалик ёш санъат ихлосманди Самарқанд музика билим юртига ўқишга кирди.

Ниҳоят, олтмиш тўртинчи йилда Тошкентда жаҳон ёшлари фестивалида қатнашувчиларнинг кўрик-конкурси ўтказилди. Бу кўрикда ёш доирачи Т. Сайфиддинов ғолиб чиқди. Орадан бир йил ўтгач, у «Баҳор» ансамблига қабул қилинди. У ажойиб устоз-мураббийлар — Мукаррама Турғунбоева, Қаҳрамон Дадаевлар қўлида таҳсил кўриб, камол топа бошлади. Унинг чет элларга сафари ҳам худди шу қутлуғ даргоҳдан бошланган эди.

Бугунги кунда у талантли хушовоз хонанда, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ҳайрулла Лутфуллаев билан ёнма-ён ва ҳамнафас бўлиб, санъатимиз гулшани — «Баҳор» ансамбли доврўғига-доврўғ қўшиб келмоқда. Талъат Қундуз Миркаримова, Бахтиёр Алиев сингари ажойиб мураббийлардан таълим олиб, униб-ўсаётганидан ҳамиша мамнун. «Ларзон», «Катта ўйин», «Бухороча» каби доира ўйинлари Т. Сайфиддинов ижодининг ёрқин саҳифалари ҳисобланади. Унга катта ижодий парвозлар тилаймиз!

ҚИДИРИШ

ОТА-ОНАМНИ БИЛГАН БОРМИ?

Мақсадимни ёзишдан олдин ўзим ва оилам ҳақида гапирсам, исмим — Таня, фамилиям Тўрақулова. Мен, ҳужжат бўйича 1956 йил 8 июнда Тошкент область, Қорасув районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида туғилганман. Эсимни танибманки, отамни ҳам, онамни ҳам билмайман. Балки улар ҳаётдир, ёки оламдан ўтишгандир. Буниси менга қоронғу.

Мен болалар уйида тарбиялангганман. Аввал, Хоразм область Гурлан районидаги, кейинчалик эса Хива шаҳридаги 3-болалар уйида яшадим. Ўшанда шахсий делода турган гувоҳномамнинг нусхасига кўзим тушиб қолган эди. Унда онам Князева Людмила Александровна, отам эса Князев Михаил деб ёзиб қўйилган экан. Отамни отасининг исмини ҳарчанд уринсам-да ўчиб кетганидан ўқий олмадим.

Хуллас, нима сабабдан болалар уйига тушганимни билолмай ҳайрон қоламан. Балки, менинг акам, укам, сингилим, амаким ёки холам бордир? Ҳеч бўлмаса, ота-онамни яқиндан билган одамлар, кўни-қўшнилар бордир?!

Илгарилари унчалик сезилмаса-да, тўртта фарзандим улғайган сари уларни сўрашади. Шунда томоғимга аллақандай бир нарса тиқилгандай бўлади, хўрлигим келади. Балки, ота-онамлар менинг ёрдамимга муҳтождир, деб ўйлаб қоламан. Ҳар қалай илтимосимнинг жавобини газета орқали ёки биз эр-хотин яшаб турган Сирдарё область, Боёвут районидаги «Ленинизм» колхозига юборсангизлар. Бир умрга сиз, азиз газетхонлардан миннатдор бўлардим.

Таня ТЎРАҚУЛОВА.

ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

„ЧОРРАҲА“ ОПЕРАЦИЯСИ

МЕТРО ҚУРИЛИШИДА

Шу йил 1 августда В. И. Ленин номли Тошкент метрополитенининг ишлаб турган ва қурилаётган участкаларини бир-бирига боғловчи шахобчани бунёд этиш бошланган эди. Ўзбекистон пойтахти метросозлари бу кунга узоқ ва пухта тайёргарлик кўрдилар. Мазкур шахобча электр поездларини янги линияга ўтказиш учун заруррдир. Унинг «Пахтакор» ва бўлажак Алишер Навоий номли станциялари районидаги узунлиги 260 метрдан иборат бўлади. Шахобчанинг 185 метри аллақачон ётқизиб бўлинган эди. Августнинг биринчи кунида метросозлар қолган 76 метрли йўлни бунёд этишга киришдилар.

— Бу иш ниҳоятда масъулиятли, — деган эди иш бошланиши арафасида «Ташметрострой» трестига қарашли 2-тоннель отряди бошлиғи Г. Галустян. — Биз объектга етарли миқдорда ишчи кучлари, керакли ҳамма моддий-техника ресурсларини, машина ва механизмларни тўпладик. Дастлабки лойиҳага кўра, шахобчани 78 иш кунида тугаллаш кўзда тутилган эди. Отрядимиз метросозлари эса зиммаларидаги вазифани 20 кунда тугаллаш мажбуриятини олдилар.

Шуниси қувончлики, «Ташметрострой» трести тузилган дастлабки кунларданоқ, ушбу коллективда ҳеч қачон сўз ва иш бирлигида узилиш бўлмаган. Бу сафар ҳам шунга амал қилинди. Участка коллективи ишни уч сменада ташкил этди. Бригада пудратини жорий этиш, қурилишнинг индустриал усулларини қўлланиш ишни жадал суръатлар билан олиб боради, деган қатъий фикрни билдиришди метросозлар.

Шу ўринда бир оз чекиниш қилайлик. Станцияларни бир-бирига боғловчи шахобчаларни бунёд этиш метронинг биринчи йўлида поездлар ҳаракатини вақтинча тўхтатишни тақозо этди. Метрополитеннинг иш режимига ўзгартишлар киритилди. Йўловчиларга қулайлик туғдириш мақсадида қўшимча автобус маршрутлари очилди. Фарҳод, Муқимий, Волгоград кўчаларида ҳаракат қилувчи трамвай ва троллейбуслар сони оширилди.

... Яқинда шахобча қурилишида бўлдик. Шу куни Владимир Плешаков бошлиқ бригада пўлат изларни монтаж қилишни тугаллаганлиги ҳақида ғалаба рапорти берган эди. У Тошкент метрополитенидаги бўлажак биринчи «ер ости чорраҳаси» қурилишида графикдан ўзиб кетишда бошқаларга ибрат кўрсатди.

— Бригадамиз бундай муваффақиятга конструкцияларни махсус майдончада йиғиб олиб, сўнг ўрнатиш усулидан фойдаланганлиги туфайли эришди, — деди у.

Умуман олганда, метросозларнинг ҳар бир коллективи, ҳар бир участкаси вақтдан ютиш учун имкониятларни, резервларни сабот билан излади. Чунки, улар «Чорраҳа» операцияси қисқа муддатли бўлса-да, йўловчиларга ўнғайсизлик туғдиришини яхши билишар, шунинг учун тезроқ белгиланган ишларни тугаллашга интилардилар.

Ўзаро мусобақада иккинчи отряднинг Геннадий Емченко бошлиқ бош пудратчи бригадаси пешқадамлик қилди. У 13 кун ўрнига 8 кунда мавжуд тоннелнинг конструкцияларини йиғиштириб олди. «Фойдага қолган» беш кун ичида эса 500 кубометрдан зиёд «монолит» қуйиб, 600 кубометрдан зиёд йиғма темир-бетонни ўрнатди. Ёрдамчи пудратчи ташкилотлар ҳам орқада қолишмади. Электр монтажчилар кучланишли кабелларни анча барвақт ётқизишди. «Ташсантехгазмонтаж» водопровод тармоқларини бунёд этишда илғор усуллардан кенг фойдаланди.

Ўзбекистон пойтахти метросозлари «Чорраҳа» операциясини ўтказишга 20 кун ажратган эдилар. Бу муддатдан олдин шараф билан адо этилди.

Кеча, 19 августда «Пахтакор» ва «Халқлар дўстлиги» станциялари оралиғидаги биринчи йўлда электр поездлар қатнови нормал йўлга қўйилди.

Энг муҳими, бошқа нарсада. Келаси — 1984 йилда, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги нишонланадиган йилда Тошкент метрополитенининг «Алишер Навоий» номли станциясидан «Тошкент» станциясигача бўлган иккинчи линия участкасини белгиланганига нисбатан 15 ой илгари фойдаланишга топшириш учун муҳим қадам қўйилди. Офарин, метросозлар!

Э. САЪДУЛЛАЕВ.



Ўзининг қутлуғ икки минг йиллик тўйига қизғин тараддуд кўраётган Тошкент мамлакатимизнинг йирик илм-фан марказларидан биридир.

Чапдаги суратдаги бинони Ўзбекистон ССР тарихи дарслигидан ҳам яхши биласиз. Совет Шарқининг биринчи олий мактаби — давлат университети худди шу ерда очилган эди. Кейинги суратларда эса ана шу илм даргоҳи — В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг ҳозирги асосий корпуси ҳамда аудиториялардан бири.

В. Сироткин фотолари.

ШОШТЕПА ТАФСИЛОТИ

Тошкент шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш республикамиз олимларидан жуда кўп илмий проблемаларни ижодий ҳал этишни талаб қилди. Умуман, шаҳарларнинг ёшини аниқлаш комплекс тадқиқот ишларини олиб боришни талаб қилувчи мураккаб ва кенг кўламдаги жараён бўлиб, бунинг учун улар ташкил топган территориядаги табиий географик шароитлар, иқтисодий тараққиёт имкониятлари, жамиятнинг сиёсий камолоти ва мудофаа эҳтиёжлари, ишлаб чиқариш кучларининг ўсиш даражаси билан боғлиқ бўлган имкониятлар ва бошқа муносабатларни, савдо ва ҳунармандчилик ўсишини биргаликда олиб қарамоқ керак. Агар шулардан бирортаси бўлмаса ҳам шаҳарларнинг шаклланиши ва тараққиёти ҳақида узил-кесил фикр айтиш қийин.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Чирчиқ ва Оҳангарон водийлари, жумладан, Тошкент шаҳри жойлашган территория жуда қадим замонларданоқ иқтисодий ва маданий тараққиёт учун зарур имкониятларга эга бўлган. Тупроқнинг унумдорлиги, қулай табиий иқлим, етарли сув манбаларига, чўл ва тоғ бағри яйловларига эга бўлиши қадим замонлардаёқ бу ерда чорвачилик ва деҳқончилик маданияти ривожланишига олиб келган. Шунинг учун ҳам Тошкент воҳаси Ўрта Осиёдаги иқтисодий, ижтимоий, маданий ва этник жараёнлар жуда кенг суръатлар билан рўй берган территориялардан ҳисобланади. Воҳада деҳқончилик, ҳунармандчилик эрамиздан аввалги V асрдаёқ ривожланган. Тошкент шаҳри эса иқтисодий ва маданий тараққиёт учун қулай имкониятларга эга бўлган ана шу водийда шаклланди.

Икки юз йигирма квадрат километр майдонни эгаллаган ҳозирги Тошкент шаҳри территориясида 30 га яқин шаҳар ва қалъа қолдиқлари бор. Олимлар кўп йилларидан бери мана шу археологик ёдгорликларни атрофлича ўрганмоқдалар. Жумладан, Юнусобод Оқтепаси, Мингўрик, Қўғайиттепа, Бинокет шаҳри қолдиқларида кенг археологик изланишлар олиб бордилар. Уларда топилган ашёвий далиллар шаҳар ёшини, унинг иқтисодий ва маданий тараққиётини ўрганиш учун зарур бўлган айрим маълумотларни берди. Лекин сўнгги йилларга қадар Тошкент территориясида ўрганилган археологик ёдгорликлар асосан шаҳар маданияти тараққиётининг кейинги даврларига таллуқли бўлган объектлар эди. Шунинг учун ҳам олимлар ўртасида Тошкент шаҳрининг ёши 1500—1600 йилдан ортиқ эмас, деган фикр бор эди. Бу археология фанининг сўнгги хулосаси эмас эди, албатта.

Тошкент тарихига оид баъзи бир манбалар бу ерда шаҳар маданияти тараққиёти эрамиздан олдинроқ бошланганлигини кўрсатади. Бу фикрни исботлаш учун археологик қазилмалар доирасини кенгайтириш, қадимий қўлёзмаларни чуқурроқ ўрганишга тўғри келди. Олиб борилган илмий изланишлар натижасида олимларимиз қадимги Шарқ йилномаларида Тошкент шаҳрининг илк давр тарихига доир айрим маълумотларни топдилар. Жумладан, қадимги йилномаларда Сирдарёнинг ўрта оқимида мавжуд бўлган «Кангиюй» давлати ва унинг «Юни» исмли шаҳри ҳақида сўз боради. Бу маълумотлар эрамиздан аввалги I асрнинг ўрталарига оиддир. Лекин бу ерда гап энди шаклланаётган шаҳар эмас, балки улкан давлатнинг мавжуд пойтахти ҳақида борар эди. Бинобарин, Кангиюй давлатининг пойтахти Юни шаҳри эрамиздан аввалроқ сиёсий, маданий ва иқтисодий марказ сифатида мавжуд бўлган.

Ана шу маълумотлар олимларимизни Тошкент шаҳри тарихининг янги манбаларини излашга ундади. Сўнгги йилларда асосий илмий-тадқиқот ишлари Тошкентнинг Сергели райони территориясида жойлашган «Чоштепа» ёки «Шоштепа» деб аталган қадимий шаҳар территориясида олиб борилди. Уни Тошкент территориясидаги шаҳар маданияти тараққиётининг биринчи босқичи деб қараш тасодифий бир ҳол эмас. Бу шаҳар «Буюк ипак йўли» деб номланган йўл ёқасида, деҳқончилик ва чорвачилик маданияти ривожланиши учун қулай территорияда жойлашган эди. Олмалиқ ва Оҳангарон атрофидаги табиий бойликлар жойлашган территориянинг яқинлиги, кўчманчи қабилалар билан қўшничилик бу ерда савдо ва ҳунармандчиликнинг ривожланишига олиб келди. Ундан ташқари шаҳар Чирчиқ дарёсининг эски ўзанига яқин жойда, сунъий Жўн канали ёнида жойлашганлиги учун мудофаа имкониятлари ҳам қулай эди. Шу сабабли ҳозирги Чоштепа харобалари сақланиб қолган ерни Тошкент территориясидаги шаҳар маданияти тараққиёти учун барча имкониятларга эга бўлган жой деб қараш мумкин.

Археологик қазилма ишлари қадимий қўлёзмаларда баён этилган фикрларнинг тўғри эканлигини исботлади. Археологлар шаҳар территорияси ва унинг марказий қалъаси районида эрамиздан аввалги V асрларга хос бўлган аҳоли манзилгоҳи қолдиқларини, II—I асрларга оид мудофаа деворларини топдилар. Бинобарин бундан 2000—2100 йил олдин ҳам бу ерда мустаҳкам деворлар билан ўралган шаҳар мавжуд бўлган. Унинг марказий қисмида диний ибодатхоналарнинг қолдиқлари топилдики, бу ҳам антик даврга мансуб бўлиб, шаҳар тарихини аниқлашда муҳим омилдир. Демак, Чоч ёки Шош фақат маъмурий-сиёсий марказгина эмас, балки диний марказ ҳам бўлган.

Бундан ташқари, шаҳарда қадимги ҳунармандчиликка оид кўплаб буюмлар топилди. Улар айнан шу ернинг ўзида яратилган бўлиб, шаҳар йирик ҳунармандчилик маркази сифатида ҳам машҳур бўлганлигини кўрсатади. Қазилма ишлари давридa Чоштепа территориясида қадимги Яқин Шарқ мамлакатларида фил суягидан ясалган қадаҳнинг бўлаги, бронзадан ясалган ойна ва бошқа кўплаб нарсалар топилди. Булар Чоч кўплаб қўшни мамлакатлар, шаҳарлар билан бевосита иқтисодий алоқада бўлганлигини кўрсатади. Фил суягидан ясалган ручка ҳам топилдики, бу Чочда милоддан аввал ҳам ёзув маданияти мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Лекин бу ёзув қандай бўлганлиги бизга ҳозирча маълум эмас. Шуларнинг ҳаммаси Чоштепа Тошкент территориясидаги шаҳар маданияти тараққиётининг биринчи нуқтаси эканлигини ва бу ерда шаҳар тараққиёти милоддан аввалги II—I асрларда бошланганлигини кўрсатади.

Ана шуларнинг ҳаммаси Тошкент шаҳрининг ёши 2000 йилдан ортиқ эканини аниқ далиллар билан исботлаш имконини берди. Бу далиллар билан Москва, Ленинград шаҳарларидан, Ўрта Осиёнинг қўшни республикаларидан келган йирик тарихчи, археолог олимлар ҳам танишиб, шаҳар ёши ҳақида аниқ, қатъий бир хулосага келдилар.

Чоштепада археологик қазилма ишлари ҳали тугагани йўқ. Бу ишлар фанимизни шаҳар маданияти тарихига оид янги топилмалар билан бойитади, деган умиддамиз.

Н. ҒАФУРОВА,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Археология институти ходими.

ФУТБОЛ:

ТЎПЛАР ВА ИМКОНИЯТЛАР

Минск динамочилари ва Москва автозаводчилари ўртасидаги учрашув билан мамлакат биринчилигининг 26-тур ўйинлари бошланди. Командалар бу турга келиб турнир жадвалида қуйидаги ўринларни эгаллаб туришибди:

Днепр	**14**	**5**	**5**	**43-25**	**33**
Динамо (Мн)	**13**	**6**	**5**	**37-23**	**32**
Спартак	**11**	**7**	**5**	**42-18**	**29**
Черноморец	12	4	8	31-27	28
Пахтакор	10	8	6	28-20	28
Зенит	10	7	7	27-22	27
Жальгирис	9	9	6	22-24	27
Шахтёр	12	4	8	31-27	28
Динамо (К)	9	7	7	24-26	25
Торпедо (М)	8	8	7	22-24	24
ЦСКА	8	8	7	29-23	24
Арарат	9	3	12	24-35	21
Металлист	8	5	10	29-33	21
Нефтчи	7	7	10	23-27	21
Динамо (Тб)	7	4	13	33-39	18
Динамо (М)	5	8	10	18-25	18
Торпедо (Кт)	**3**	**9**	**12**	**19-35**	**15**
Нистру	**3**	**3**	**18**	**15-49**	**9**

Навбатдаги 26-турда чемпионатнинг совринли ўринларига даъвогарлик қилаётган коллективлар ўз майдонларида учрашув ўтказадилар. «Днепр» Киев динамочиларини, Москва спартакчилари эса, «Нефтчи» командасини қабул қилишади. Москва ва Тбилиси динамочилари ўртасидаги учрашув ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Иттифоқимизнинг бу икки етакчи клуби бир текис ўйин кўрсата олмай, турнир жадвалининг қуйи поғоналарида боришмоқда. Улар активида 18 тадан очко бор.

Ўтган турда бу йилги чемпионат учун ўзига хос қатор рекордлар қўйилди. Жумладан, Днепропетровск футболчилари кетма-кет олтинчи марта ғалаба қозонишди. Москва спартакчилари олтинчи марта йирик ҳисоб билан зафар қучишди. Бу сафар спартакчилар Тбилиси динамочиларини 5:1 ҳисобида енгишди. «Арарат» ўйинчиси Оганесян «Нистру» билан бўлган ўйинда рақиблар дарвозасига тўрт тўп киритди.

Чемпионатнинг кучли ҳужумчилари рўйхатини Минск ўйинчиси Гуринович бошқариб бораётир. Унинг ҳисобида 15 тўп бор. Ю. Гаврилов («Спартак») ва Х. Оганесянлар эса 14 мартадан тўп киритишган.

Тошкентнинг «Пахтакор» ва Ленинграднинг «Зенит» футболчилари бу турда дам олишади. Тошкентликлар 27-тур ўйинини Тбилисида маҳаллий «Динамо» футболчилари билан ўтказишади.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

«СУҚОҚ» ОРОМГОҲИДА

✦ «Суқоқ» дам олиш уйи Паркент районининг Чотқол тоғ ёнбағирларида жойлашган. Унинг мўътадил иқлими, ям-яшил арчазорлари, ўйноқи шаршаралари-ю зилол сувли булоқлари кишини ўзига мафтун этади.

Ҳозирги кунда бу ерда Москва, Ленинград, Киев каби ўнлаб йирик шаҳарлардан келган кишилар ҳордиқ чиқармоқдалар. Келгуси йилда Суқоқ дам олиш уйининг ташкил топганига 50 йил тўлади. Юбилей муносабати билан Ўзбекистон курортлар бошқармаси ва касаба союзлари республика Совети қўшимча 250 ўринли бинолар, клуб, ошхона қурилишини жадаллаштириш борасида бир қанча тадбирларни кўриб чиқди.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

АХБОРОТ

КЕКСАЛАР—ЭЪЗОЗДА

✦ Яқинда Андижон район Энгельс номли совхоз территориясида инвалид ва ветеранларнинг икки қаватли интернат-уйи ишга тушди. Андижон районидаги 8-колхозлараро механизациялашган кўчма колоннанинг И. Юнбов бошчилигидаги қурувчилар коллективи бу бинони ҳозирги замон архитектураси талабларига мос келадиган қилиб қурдилар.

Қурувчилар бир миллион 100 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардилар. Интернат-уйда истиқомат қилувчилар учун барча қулайликлар яратилганидан кўпчилик мамнун.

Ҳ. МУҲАМЕДОВ.

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

1966 йилги 3% ли давлат ички ютуқли заёми 137-ютуқлар тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Бу тираж 1983 йил 15 августда Киев шаҳрида ўтказилди. Заёмнинг ҳамма юз бир разрядидаги серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди.

серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
100983	1—50	40	132639	20*)	500	166952	1—50	40
102290	45*)	500	133303	40*)	500	167687	08*)	500
102348	30*)	1000	133466	1—50	40	168330	25*)	1000
103070	05*)	500	133527	21*)	500	168413	31*)	2500
103690	1—50	40	133672	14*)	500	168561	34*)	500
103781	02*)	500	133834	33*)	500	170377	1—50	40
104054	1—50	100	135440	1—50	40	171061	39*)	500
104854	25*)	500	135658	1—50	40	172064	1—50	40
105582	30*)	500	135809	24*)	500	173380	1—50	100
105586	02*)	500	136940	39*)	500	174150	27*)	500
105844	1—50	40	137401	02*)	500	175181	03*)	500
106429	1—50	100	138505	1—50	40	175533	10*)	1000
106550	25*)	500	139190	08*)	500	176679	41*)	500
107502	1—50	40	139419	07*)	500	176860	21*)	500
107511	34*)	500	139965	1—50	40	177048	47*)	500
107755	33*)	500	140373	15*)	5000	177289	03*)	500
108355	1—50	40	140726	23*)	500	177564	20*)	500
108660	16*)	500	141051	16*)	500	178094	1—50	40
108895	22*)	500	141453	50*)	1000	178923	1—50	40
108941	33*)	1000	142098	30*)	500	179867	12*)	500
108962	1—50	40	142263	33*)	500	179893	40*)	500
109034	21*)	500	142821	46*)	500	181475	32*)	500
110061	1—50	100	142848	13*)	500	182504	18*)	500
111017	40*)	500	144358	18*)	500	182595	33*)	1000
111040	42*)	1000	144536	05*)	1000	182916	1—50	40
111209	39*)	500	145497	31*)	500	182970	30*)	500
111274	30*)	500	145551	08*)	500	183388	1—50	40
114849	24*)	500	146708	42*)	1000	183651	04*)	500
116678	26*)	500	147783	1—50	100	186010	1—50	100
116815	39*)	500	147853	1—50	100	187443	13*)	500
117103	16*)	500	148009	07*)	500	187576	1—50	40
117114	15*)	1000	148869	50*)	500	187933	29*)	500
118373	03*)	5000	149178	12*)	500	188043	33*)	500
119541	24*)	500	150046	40*)	2500	188092	48*)	2500
119839	41*)	500	152393	04*)	500	188257	1—50	40
120286	13*)	500	152806	1—50	100	188814	47*)	500
120573	48*)	500	153900	47*)	500	188883	36*)	500
120673	50*)	500	154282	27*)	500	189130	32*)	500
121096	29*)	2500	154500	09*)	500	189412	05*)	500
121394	41*)	500	154893	1—50	100	189629	02*)	500
122002	29*)	500	155210	1—50	40	191167	1—50	40
123264	07*)	500	157030	1—50	40	191304	06*)	500
123434	08*)	500	157451	37*)	500	191410	20*)	500
124338	09*)	1000	158638	47*)	500	191758	1—50	40
124844	1—50	100	159097	18*)	500	192096	50*)	1000
125147	01*)	500	159160	1—50	40	193081	15*)	2500
125199	01*)	1000	159403	13*)	500	193201	11*)	1000
125264	1—50	40	159686	46*)	500	193325	46*)	500
128227	42*)	500	159830	1—50	40	193421	27*)	500
128308	11*)	500	160610	1—50	40	193651	41*)	500
128683	11*)	500	162072	28*)	1000	194020	1—50	100
128768	29*)	1000	162512	1—50	40	194922	1—50	100
128875	1—50	40	162689	33*)	500	195180	1—50	40
129265	1—50	100	162993	03*)	500	195196	40*)	500
129615	33*)	500	163222	26*)	500	196158	1—50	40
129976	44*)	1000	163655	1—50	100	196554	17*)	500
130151	01*)	1000	163827	36*)	500	196571	08*)	1000
130156	05*)	500	164302	25*)	500	197076	33*)	1000
130844	1—50	100	164552	10*)	500	197135	02*)	500
131086	1—50	40	165238	20*)	500	197537	36*)	500
131241	46*)	500	165608	1—50	40	199423	1—50	40
131720	1—50	40	166451	42*)	500	199608	1—50	40
132271	07*)	500	166463	08*)	500			

*) Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 49 номерига 40 сўмдан ютуқ чиқди.

1982 йилги давлат ички ютуқли заёми 13-ютуқлар тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Бу тираж 1983 йил 15 августда Киев шаҳрида ўтказилди. Заёмнинг тўққиз разрядидаги серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди.

серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
200131	073*)	500	234967	013*)	500	266755	008*)	2500
200631	082*)	1000	235274	063*)	500	267046	076*)	500
200712	1—100	250	235496	058*)	500	267099	1—100	100
200815	1—100	250	236002	029*)	5000	267199	013*)	500
201380	1—100	250	237430	1—100	250	267481	1—100	100
201685	047*)	1000	238006	1—100	100	267563	1—100	100
201823	1—100	250	238810	026*)	1000	268397	001*)	2500
201960	091*)	2500	239657	032*)	500	268607	055*)	500
205102	013*)	1000	240596	1—100	250	269549	1—100	100
206257	1—100	100	241222	049*)	2500	270289	063*)	1000
206361	1—100	100	242236	041*)	500	271017	1—100	100
206371	1—100	100	242483	077*)	500	271068	094*)	500
207488	007*)	2500	244362	016*)	500	271603	1—100	250
207663	1—100	100	244417	080*)	1000	271835	040*)	2500
208041	063*)	500	244788	050*)	2500	271969	092*)	1000
208802	1—100	100	245466	034*)	500	272028	056*)	500
209421	1—100	100	246706	027*)	1000	273116	1—100	100
209475	1—100	100	247067	027*)	2500	273418	1—100	100
209769	038*)	1000	247193	049*)	1000	273821	072*)	5000
210381	008*)	500	247641	035*)	1000	274534	019*)	1000
210957	1—100	100	248161	087*)	1000	275534	052*)	1000
211335	060*)	500	248448	1—100	250	275755	100*)	5000
211487	1—100	250	248492	085*)	500	275921	046*)	500
211514	1—100	100	248592	062*)	500	277343	095*)	500
211986	041*)	1000	248914	1—100	500	278393	031*)	500
212362	092*)	1000	249064	019*)	2500	278695	095*)	1000
212641	1—100	100	249482	1—100	100	279180	078*)	500
212653	1—100	100	249546	1—100	100	279204	1—100	250
212672	1—100	100	249904	074*)	1000	279580	044*)	1000
212815	090*)	1000	250355	054*)	1000	280413	056*)	1000
212981	041*)	500	251293	1—100	500	280834	045*)	1000
213059	001*)	500	251575	078*)	500	280895	1—100	100
213078	088*)	1000	252663	086*)	2500	282071	089*)	1000
213090	1—100	250	253101	013*)	500	283396	078*)	2500
213920	004*)	1000	253301	091*)	1000	284632	1—100	250
214817	050*)	1000	253467	1—100	250	285787	087*)	1000
214881	1—100	100	253600	003*)	500	286225	020*)	1000
215304	011*)	1000	253689	007*)	500	286321	013*)	1000
215377	1—100	100	253741	1—100	100	286559	013*)	1000
215768	1—100	100	253811	1—100	250	286769	004*)	1000
216124	051*)	1000	254887	1—100	100	287011	035*)	2500
216175	036*)	2500	255426	1—100	100	287096	058*)	500
218066	031*)	2500	255446	063*)	1000	288375	1—100	250
219716	078*)	1000	256087	065*)	1000	288695	024*)	1000
219928	048*)	500	256528	1—100	250	288724	064*)	2500
220862	027*)	1000	256698	1—100	100	289153	1—100	100
221331	1—100	250	256950	1—100	100	289701	037*)	1000
223904	097*)	500	257585	1—100	100	289927	091*)	500
224385	1—100	250	257771	068*)	500	290552	075*)	2500
224732	009*)	5000	257900	039*)	500	291081	098*)	500
225267	030*)	5000	257939	057*)	2500	292315	091)	500
226611	1—100	100	258017	1—100	250	293067	1—100	250
227045	1—100	100	258292	067*)	500	293114	1—100	250
227100	1—100	100	258395	007*)	1000	293844	1—100	100
228248	031*)	2500	258768	081*)	500	294160	020*)	500
229081	015*)	500	259774	076*)	1000	294184	029*)	1000
229513	064*)	1000	260246	047*)	1000	294226	049*)	500
229580	039*)	500	260251	004*)	500	294832	038*)	1000
229821	067*)	500	260815	084*)	1000	295296	019*)	1000
230240	074*)	500	262025	048*)	500	295913	1—100	250
230808	1—100	250	262529	1—100	100	296032	006*)	500
232310	1—100	100	263245	054*)	1000	296251	098*)	1000
232363	091*)	1000	263528	015*)	500	297533	1—100	250
233043	044*)	10000	264556	059*)	2500	297548	021*)	1000
233601	093*)	1000	265216	044*)	500	298003	1—100	100
233622	024*)	1000	265950	037*)	2500	298821	1—100	250
234447	1—100	100	266351	1—100	100			

*) Шу сериядаги облигацилларнинг қолган 99 номерига 100 сўмдан ютуқ чиқди.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

20 АВГУСТ, ШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40— Коломба. Бадиий фильм. 3-серия. 10.35 — Спортлото. 10.45 — Ота-оналар, Сизлар учун. 11.15 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 11.45 — Буратино кўғазмаси. 12.15 — Вагнер. Тристан ва Изолда. 12.35 — Поэзия. 13.20 — Қалб.га яқин қўшиқлар. 14.10 — Жасорат қонунига биноан. 14.40 — Қанё воқеалари. 15.10 — Дунё воқеалари. 15.25 — Мультфильмлар. 16.00 — Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати. 16.30 — Опера саҳнаси усталари. 17.05 — Мактаб. Бадиий фильм. 2-серия. 18.10 — Концерт. 18.45 — Ҳайвонот оламида. 19.45 9-студия. Телетомошабинларга жавоб беради. 20.45 — Севимли қўшиқлар. 21.30 — Время. 22.05 — Балли йигитлар. 00.05 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 9.30 — Само билан қариндош бўлганда. 10.20 — Тонгги почта. 10.50 — Латвия телевидение студиясининг программаси. 12.15 — Голиблар. 13.45 — Пионерия. 13.55 — Нима? Қаерда? Қачон? 15.10 — Музикали киоск. 15.40 — Тунги лабиринт. Бадиий фильм. 16.55 — СССР халқларининг Ёзги VIII Спартакиадаси. 17.15 — Здоровье. 18.00 — Халқаро обзор. 18.15 — Буюк халқ ҳақиқати. 7-фильм. 19.15 — Теннис бўйича Европа чемпионати. 20.00 — Регби бўйича халқаро турнир. 20.45 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.00 — Адабий ўқиш. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Минск) — «Торпедо» (Москва). 23.45 — Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб. 11.30 — Шахмат мактаби. 12.00 — Мусобақа — омма ижоди. 12.20 — Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида. 12.40 — Кинотаҳририя почтасидан. 13.25 — Биз сени унутмаймиз. 13.55 — Қилич ва қалқон. 4-фильм. Сўнгги марра. 15.25 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 18.30 — Ёзувчилар болаларга. 19.00 — Ҳужжатли фильмлар. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Халқ хўжалигини бошқариш ва планлаштиришда кибернетикан